

АДОЛАТ

ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА

gazeta@adolat.uz • www.adolat.uz • № 16 (875) • 2012 йил, 20 апрель, жума

Оқсаройда қабул

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 19 апрель куни Оқсаройда “Лукойл нефть компанияси” очик акциядорлик жамияти президенти Вагит Алекперовни қабул қилди.

Учрашувда “Лукойл НК” ОАЖнинг Ўзбекистондаги қатор сармоявий блокларда геология-разведка ишларини бажариш ва углеводород конларини ўзлаштириш соҳасидаги фаолияти, шунингдек, Бухоро вилоятида газни қайта ишлайдиган янги завод қурилишининг бориши муҳокама қилинди.

Президент Ислам Каримов “Лукойл” ОАЖ геология-разведка ишларини самарали амалга оширгани туфайли Қандим гуруҳи ва Хавзак-Шоди конларида, Хисор минтақаси ҳудуди ва Қўнғирот участкасида, шунингдек, Сармоядорлар консорциуми таркибида Орол денгизининг Ўзбекистонга қарашли қисмида углеводород захиралари ҳажмини оширишни таъминлаш имконига эга бўлганини таъкидлади.

Учрашувда қайд этилганидек, “Лукойл” ОАЖнинг учта инвестицион лойиҳа бўйича Ўзбекистон нефть-газ мажмуига киритган тўғридан-тўғри сармояси ҳажми 2 миллиард АҚШ долларидан ошди. Умуман, “Лукойл”

компанияси иштирокидаги барча лойиҳаларни ижро этиш даврида 5 миллиард доллардан зиёд сармоя жалб этиш режалаштирилмоқда. Ўзбекистон углеводород хомашёсини чуқур қайта ишлаш ва юқори қўшимча қийматга эга маҳсулот ишлаб чиқариш соҳасида ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдор экани таъкидланди.

В.Алекперов самимий қабул ва “Лукойл” ОАЖнинг Ўзбекистон нефть-газ соҳасидаги фаолияти натижаларига берилган юксак баҳо, шунингдек, ўзаро манфаатли йирик лойиҳаларни амалга ошириш мобайнида яратилган қулай шарт-шароит учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди. Меҳмон ўзи раҳбарлик қилаётган компания ўзбекистонлик шериклар билан узоқ муддатли ва самарали ҳамкорликни давом эттиришга тайёр эканини алоҳида қайд этди.



Муҳокамада янги қонун лойиҳалари

улар жамият ва давлат истиқболини жадал тараққий эттиришга хизмат қилади

Фракция йиғилиши

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фракциясининг қонунлар лойиҳалари муҳокамасига бағишланган навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Депутатлар, партия фаоллари, тегишли вазирлик ва идоралар ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этган йиғилишда дастлаб, «Риэлторлик фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартирилари киритиш ҳақидаги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди.

Таъкидландики, мазкур қонун лойиҳасида хатланган мол-мулкни реализация қилишни тартибга солиш назарда тутилмоқда. Кўчмас мулк объектларига ва уларга бўлган

ҳуқуқларга доир битимлар тузиш, шу жумладан, кўчмас мулк объектларини ва уларга бўлган ҳуқуқларнинг савдосини ташкил этиш билан боғлиқ хизматларни шартнома асоси-

да кўрсатиш риэлторлик фаолиятининг асосини ташкил қилади. Шу муносабат билан лойиҳада «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонуннинг 56- ва 63-моддаларига хатланган кўчмас мулкларни риэлторлик ташкилотлари томонидан, хатланган автотранспорт воситаларини эса савдо ташкилотлари томонидан реализация қилишни назарда тутувчи ўзгартирилари киритиш таклиф этилмоқда.

Муҳокама жараёнида сўзга чиққан фракция аъзоси К.Ҳамидова қонун лойиҳаси устида ишлаш жараёнида ундаги меъёрларни Фуқаролик Кодекси билан таққосланганлик даражасига алоҳида эътибор қаратган бўлса, де-

путат З.Ботирова қонун лойиҳаси замонавий ва прогрессив эканлигини таъкидлаб, тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда унинг тарғиботида бағишланган давра суҳбатлари ўтказиш таклифини илгари сурди. Мазкур тадбирлардан олинган фикр-мулоҳазалар асосида қонун лойиҳасини янада такомиллаштириш имконияти кенгайтирилиши таъкидланди.

«Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳам депутатлар диққат марказида бўлди.

Давоми 2-бетда ➤

Давоми 4-бетда ➤

Буюк келажак учун дахлдорлик

Мактабга эътибор, келажакка эътибор



Собиқ тузум пайтида мактаб дейилганда савод чиқариладиган жой тушуниларди. Ҳақиқатининг асосий вазифаси ўқувчини ёзишга ва ўқишга, партада тўғри ўтиришга, бир нима сўрамоқчи бўлса, ўнг қўлини кўтаришга ўргатиш эди. Шу амалларни ўзлаштирган бола аълочи ва тарбияли ҳисобланарди.

Бугун умумий ўрта таълим мактаблари олдида қўйилган талаб бутунлай бошқача. Аксарият бола оилада, мактабга тарбия муассасаларида савод чиқариб, биринчи синфга бозор муносабатларидан, компьютер саводдонлигидан, телефон алоқаси, телекўрсатувлар мазмунидан дурустгина хабардор ҳолда келади. Демакки, мактаб эндиликда фақат саводхона эмас. Ўқувчининг одоб-ахлоқи, дунёқараши, катталар ҳаётида кеналашган воқеа-ҳодисаларга, атроф-муҳитга муносабати, дунёни англай бошлаши айна шу йиллари шаклланади.

Давоми 5-бетда ➤



Семинар

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси томонидан «Ёш адолатчилар» қонун, Республика Бош Прокуратураси, Адлия вазирлиги ҳамда пойтахтдаги қатор олий ўқув юрталари билан ҳамкорликда «Ёшларнинг юксак ҳуқуқий маданиятини шакллантириш — жамиятда қонун устуворлигини таъминлашнинг мустақам асоси» мавзусида семинар ташкил этилди. Унда Олий Мажлис қўйи палатаси депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари ҳамда талаба ёшлар иштирок этишди.

Давоми 3-бетда ➤

Юксак ҳуқуқий маданиятли ёшлар

жамиятда қонун устуворлигини таъминлашнинг гаровидир

Давоми 4-бетда ➤

Ҳар қандай сиёсий партия фаолияти давомида, энг аввало, ўз электорати манфаатларини тўла ва самарали ифода этишга интилади.

— Ҳар қандай сиёсий партия фаолияти давомида, энг аввало, ўз электорати манфаатларини тўла ва самарали ифода этишга интилади. — деди Халқ депутатлари Андижон вилоят Кенгаши депутати Муҳиддин Мирзаев. — Бундай саяҳат-қаракат, ўз навбатида электорат ва сайловчиларнинг ишончини қозонишга, халқ орасида обрў-эътибор топишга мустақам замин бўлиб хизмат қилади. Аёнки, бу мақсадга эришиш бевосита калдрлар салоҳиятига, уларни танлаш, тарбиялаш ва жой-жойига қўйиш билан боғлиқ ишлар самаралорлигига бориб тақалади.

партия нуфузи ва обрў-эътиборининг ошиши гаровидир

БОШҚАРУВДА ОЧИҚЛИК ВА ҲИСОБОРЛИК - ИЖТИМОЙ АДОЛАТ АСОСИ

2-бет

Тайёргарлик ўрганилди

“Умид ниҳоллари — 2012” ўйинларининг очилиш маросими ва бошқа тантаналарини ўтказиш учун 11 миң ўринли стадион қуриб битказилди ва пардозлаш ишлари якунланмоқда. Курувчилар томонидан қисқа вақтда бунёд этилган стадион атрофида югуриш йўлакчаларидан ташқари замонавий спорт заллари, қўшимча хизмат хоналари, тиббиёт, санитария, машгулотлар хоналари ҳам барпо этилди.



5-бет

Фақат тўй ва маърака учун дунёга келганмизми?

Менинг назаримда, кейинги йилларга келиб миллатдошларимизнинг анчагина қисмининг ташвиш-ўйи, муаммоси тўй ёхуд маъракаи қандай қилиб “эл қатори” ўтказиш бўлиб қолгандек. Айниқса, айрим жойларда маърака сарф-харажатлари тўйниқидан ошиб тушаётганлиги ҳам ҳақиқат. Илло, “эл қатори” деб аталган шартли “планка” тобора осмонга кўтарилиб бормоқда, уни ошиб ўтишга унча-бунча одамнинг қурби етмай қолаётти.



8-бет

Партия ҳаёти



Муҳокамада янги қонун лойиҳалари

улар жамият ва давлат истиқболлини жадал тараққий эттиришга хизмат қилади

Давоми. Боши 1-бетда

«Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да баён этилган қоидаларни амалга ошириш юзасидан парламент куйи палатасининг 2011 йилга ва кейинги йилларга мўлжалланган Ҳаракат Дастури ишлаб чиқилган эди.

Ушбу Дастурнинг мақсади Ўзбекистоннинг миллий давлатчилигини ривожлантиришда янги босқични бошлаб берган Концепцияни амалга ошириш юзасидан қонунчилик ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларни белгилашдан иборатдир.

Концепцияда давлат ҳокимияти асослари, мамлакатимизни ижтимоий-сиёсий жиҳатдан қайта қуриш соҳасидаги кенг кўламли ва туб ислохотлар илгари сурилган. Мазкур ислохотлар ҳар томонлама асослаб берилган бўлиб, уларни амалга ошириш жамият, давлат қурилиши, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш борасидаги асосий мақсадларимизга эришишга — Ўзбекистоннинг жаҳондаги ривожланган демократик давлатлар қаторига киришига, жаҳон ҳам-жамиятида муносиб ўрин

эгаллашига кўмаклашиши, шубҳасиз.

Концепцияда илгари сурилган илгор ғояларни ҳаётга татбиқ қилиш мақсадида ишлаб чиқилган ҳамда куйи палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси томонидан муҳокамага киритилган «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислох қилиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасида инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиши ва суд ҳокимиятининг мустақиллигини янада мустаҳкамлашга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирлар назарда тутилмоқда. Хусусан, жиноят-процессуал қонун ҳужжатларига киритиш тақлиф этилган ўзгартишлар ва қўшимчаларга мувофиқ жинсий ишларни судга қадар юритув босқичида дастлабки тергов органларининг фаолияти устидан суд назорати кучайтирилади. Лавозимдан чет-лаштириш ва тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурулов чоралари учун санкциялар бериш ваколатлари прокуратурадан олиниб, қўшимча равишда судга ўтказилади. Жиноят

ишларини кўзга тутиш ҳуқуқини суд ваколатларидан чиқариш ва биринчи инстанция судида иш бўйича айблов хулосасини ўқиб эшитириш мажбуриятини фақат прокурор зиммасига юклов суднинг мустақиллигини мустаҳкамлашга, жиноят ишларининг қўриб чиқиши вақтида ҳолислик, беғаразлик ва адолатни, жиноят процессида тортишув принципини таъминлашга қаратилган.

Таъкидлаш жоизки, қонунлар мукамаллиги ва барқарорлигига эришиш, уларни ҳаётга татбиқ этиш механизмларини такомиллаштириш устувор вазифа ҳисобланади. Зеро, суд-ҳуқуқ соҳасидаги фаолиятни тартибга солувчи қонунчиликни янада такомиллаштириш Ўзбекистон «Адолат» СДП депутатлари фаолиятининг асосини ташкил этади.

Суд қарорларини қабул қилишда уларнинг фақат қонунга бўйсунуши, одил судловни амалга ошириш ҳамда умумэтироф этилган принципларга бўйсинушига қаратилган фаолиятининг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш бўйича тақлифларни илгари суради, — деди фракция аъзоси К.Ҳамидова. Партия сайловолди дастури-

да белгилаб қўйилганидек, суднинг демократлиги, холислиги ва ҳар қандай фуқаро ундан фойдаланишини таъминлаш, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш соҳасини янада кенгайтириш партиянинг устувор вазифалари сирасига кирди. Шу нуқтаи назардан айтганда, мазкур қонун лойиҳасини фракциямиз тўла қўллаб-қувватлайди.

Шунингдек, мажлисда «Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги кодексининг 249-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида»ги ҳамда «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳалари ҳам муҳокама қилинди. Муҳокамаларда сўзга чиққан фракция аъзоларининг ҳар бир тақлиф ва тавсияларида электротар манфаати устуворлик касб этди.

Мажлис сўнггида қўрилган барча масалалар юзасидан фракция нуқтаи назари белгилаб олинди.

Фарҳод ЭСОНОВ,
«Adolat» мухбири.

Мураккаб тарихнинг жонли солномаси

Муносабат

XX асрнинг етмиш йили. Биз Ўзбекистон ССРда яшар эдик, миллатимиз бор эди, бироқ бизда Ватан йўқ эди. Мустақил Ўзбекистон давлати йўқ эди. Шунингдек, бизда на ҳуқуқ ва на қонун бор эди. Бор бўлганда ҳам ишлармас эди.

Мустақилликнинг дастлабки кунларидан то ҳозирги вақтгача бўлган давр. Бизда давлат ҳам, ҳуқуқ ҳам, қонун ҳам бор.

Мамлакатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритиш жараёни осон кечмаган. Мен буни Юртбошимизнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» номли фундаментал асарларини ўқиш орқали чуқур англаб етдим.

Совет давлати ҳали ўзининг ҳукмронлик кучини йўқотмаган, унинг репрессив сиёсати давом этаётган, «пахта иши» деган тўхмат билан қанча-қанча одамлар ноҳақ қамалган, тазйиқ ва таъқибларга учраган, халқ ўртасида тўшунлик, эртанги кунга ишонсизлик кайфияти, қўрқув ва ваҳима кенг тарқалган бир пайтда Ўзбекистон раҳбари сифатида иш бошлаган Ислам Каримов мустақилликка эришиш масаласини кун

тартибига дадиллик билан қатъий қилиб қўйган.


Ана шу даврда мухтарам Юртбошимиз томонидан бу машаққатли ва масъулиятли йўлда амалга оширилган улкан ишлар бугунги фаровон ҳаётимиз, обод ва озод Ватанимиз ҳамда буюк келажагимиз учун қўйилган мустаҳкам тамалтоши вазифини ўтаганлигига бугун дунё ҳам-жамияти холисона баҳо бермоқда.

Мустақилликка эришган пайтдан бошлаб ўз олдимизга ҳуқуқий демократик давлат қуриш, эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш каби буюк мақсадни ниёт қилган эдик. Ва ниятимизга етаяп-миз ҳам. Бунинг учун қанчадан-қанча соҳаларда туб ислохотлар, ўзгаришлар, янги-

ланишлар амалга оширилди. Инсон ҳуқуқлари, манфаатлари, сўз эркинлиги таъминланмоқда. Дарҳақиқат, ислохот ислохот учун эмас, ислохотлар инсон манфаатлари учун хизмат қилаётганлигига бугун барчамиз гувоҳимиз.

Биз, аввал бошдан «Шок терапияси» деб аталган усулларни четдан туриб жорий этишга қаратилган уринишлардан, бозор иқтисодиёти ўзини ўзи тартибга солиди, деган ўта жўн ва алдамчи тасавурлардан воз кечиб, ислохотларни босқичма-босқич ва изчил амалга ошириш йўлини, яъни махсус, бунга ўйланган, самарали ҳамда натижаси бугунги барқарор тараққийтимизни таъминлаётган «Ўзбек модели»ни танладик.

Давлатимизда ҳар қандай масала, хоҳ ички бўлсин, хоҳ ташқи барчаси қонун деган тарози билан ўлчанади. Қонунларимиз халқаро қонунчилик нормалари ва тажрибасини чуқур ўрганган ҳолда миллий менталитетимизга мослаштирилиб, ҳаётга татбиқ этилмоқда. Ҳаттоки, Бош Қомусимизнинг Муқаддима қисмида ҳам халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган қоидаларининг устувлиги тан олинган, Ўзбекистон ўз мус-



ИСЛОМ КАРИМОВ

ЎЗБЕКИСТОН
МУСТАҚИЛЛИККА
ЭРИШИШ
ОСТАНАСИДА

«Adolat»

тақиллигини қўлга киритган дастлабки кунлариданок, МДХ давлатлари ичида биринчилардан бўлиб, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясини ратификация қилди, Буха ҳуқуқлари Конвенциясига қўшилди.

Энг муҳими, мустақиллик деб аталмиш энг улуг, энг азиз неъмат ҳеч қандай уруш, жанжалларсиз, қон тўкилмасдан қўлга киритилди. Бунинг замирида эса буюк жасорат, ақл-заковат, мустаҳкам ишонч, фидойилик, ўз Ватани ва халқининг буюк келажаги учун жонқуярлик фазилатларига эга Юртбошимизнинг серқирра ва жўшқин меҳнатлари ётади.

Азизхон НОДИРОВ,
ТДЮИ талабаси.

Ғоялар тарғиботи

партия нуфузи ва обрў-этиборининг ошиши гаровидир

Ўқув-семинар

Ўзбекистонда жамият ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олган кенг кўламли ислохотлар ўтказилаётгани, барқарор ривожланиш суръатлари ҳукм сураётган мамлакат сифатида дунё эътибори ва эътирофига сазовор бўлаётгани ҳар биримизга ғурур ва қувонч бағишлайди. Айниқса, юртимизда босқичма-босқич ҳаётга татбиқ этилаётган ислохотларнинг юксак самараси кўз ўнгимизда аҳолининг турмуш даражасини, фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда. Мана шундай масъулиятли паллада сиёсий партияларнинг ижтимоий ҳаётдаги роли ва нуфузини оширишга қаратилган саъй-ҳаракатлар ҳам бежиз эмас.

Зеро, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган очик демократик давлат қуриш, кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнларида партиялар олға сураётган ғоя ва тақлифлар юртимизнинг ривожланиш стратегиясини шакллантириш ишига хизмат қилиши шубҳасиз. Айниқса, Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси устувор йўналишларининг ижроси сиёсий партиялар зиммасига улкан масъулият юклатди. Дарвоқе, Концепцияда мамлакатимиз аҳолисининг сиёсий ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, юртимизда кўппартиявийлик тизимини бундан буён ҳам мустаҳкамлаб боришга алоҳида эътибор берилган. Бу эса ҳар бир партия, жумладан, «Адолат» социал-демократик партиясидан ўз сафларини сиёсий-ҳуқуқий маданияти жиҳатидан етук, жамият олдидаги долзарб вазифаларни аниқ тавсир этишга қаратилган, айниқса, ёшлар билан янада кенг-роқ мустаҳкамлашни, аҳоли турли қатламлари орасида тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтиришга ҳар доимийликни кўра кўпроқ эътибор қаратишни тақозо этади. Шу нуқтаи назардан, ўтган ҳафта якунида Андижон шаҳрида Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси ташаббуси билан ташкил этилган «Партия ташкилотлари фаолияти самарадорлигини ошириш — давр талаби» мавзусидаги ўқув-семинар амалий ва кизгин руҳда ўтди. Унда партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракция аъзолари, партиянинг барча вилоят Кенгашлари раислари, шунингдек, «Адолат» СДПнинг Андижон, Наманган, Фарғона вилоятларидаги масъул ходимлари ҳамда фаоллари, вилоят ҳокимлиги ва ОАВ вакиллари қатнашди. Ўқув-семинарни Ўзбекистон «Адолат» СДП Андижон вилоят Кенгаши раиси Алишер Шодимов олиб борди.

Тадбирда маъруза қилган Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши раиси Исмоил Саифназаров ўқув-семинарнинг мақсади ва вазифаларига тўхталди.

— Энг аввало, биз бу ерга ўзаро тажриба алмашиш мақсадида йиғилдик, — деди маърузачи. — Зеро, «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»ни ҳаётга татбиқ этиш ишлари изчил давом эттирилмоқда. Мазкур дастуриямал ҳужжат асосида Конституциянинг айрим моддаларига ўзгартириш киритилганидан, жумладан, ҳукуматни шакллантиришда сиёсий партияларнинг роли янада кучайтирилганидан ҳар биримиз яхши хабардоримиз.

Бу жараён бошқа сиёсий партиялар қатори «Адолат» СДПнинг ҳам давлат қурилиши ва бошқарувидаги иштирокини кучайтиришни, ўз сафларини янада кенгайтиришни, электротар манфаатларини ҳимоялаш учун ушшоқлик ва ҳамжихатликни тақозо этмоқда. Бу ўринда энг аввало, партияимизнинг куйи бўғинлари фаолиятини кучайтириш мақсадаги мувофиқдор. Улар орқали партияимиз олға сураётган ғоялар, айниқса, жамиятда қонун устуворлигига эришиш, қабул қилинажак қонунларга ижтимоий адолат тамойилларини сингдириш, инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва суд ҳокимияти нуфузини янада мустаҳкамлаш, демократик ислохотларда фуқаролик жамияти институтларининг иштирокини кенгайтириш ва руҳини мустаҳкамлаш, ижтимоий-иқтисодий ҳаётда ўзининг самарадорлигини кўрсата олаётган, республикамиз иқтисодий салоҳиятини янада юксалтириш имконини берадиган замонавий инновацион лойиҳалар ва ғояларни иқтисодиётга кенг татбиқ этиш каби ғояларни аҳоли орасида тарғиб этиш партияимиз нуфузини ошириш имконини беради.

Шу нуқтаи назардан ўқув-семинар иштирокчилари инновацион ишлаб чиқариш афзалликларни хусусида тўхталаш баробарида унинг махсули бўлган биогаз ва биоўғитдан муқобил энергия манбалари олиш борасидаги тажрибалар хусусида ўзаро ўртоқлашишди. Жумладан, «Адолат» СДП Фарғона вилоят Кенгаши раиси Наримон Шодиев, Тошкент вилоят Кенгаши раиси Камолжон Шодиметов, Наманган ви-

лоят Кенгаши раиси Ҳамидхон Аҳмадхўжаевлар ўз худудларида партия фаоллари ва тадбиркорлар ҳамкорлигида амалга оширилаётган инновацион лойиҳалар ҳамда бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини янада яхшилаш борасида олиб борилаётган амалий ишлар ҳақида семинар иштирокчиларига гапириб бердилар.

Ўқув-семинарда, шунингдек, асосий эътибор кадрлар салоҳиятини, сиёсий билиминини ошириш вазифаларига қаратилди.

— Ҳар қандай сиёсий партия фаолияти давомда, энг аввало, ўз электорати манфаатларини тўла ва самарали ифода этишга интилади, — деди Халқ депутатлари Андижон вилоят Кенгаши депутати Муҳиддин Мирзаев. — Бундай саъй-ҳаракат, ўз навбатида электротар ва сайловчиларнинг ишончини қозонишга, халқ орасида обрў-эътибор топишга мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилади. Аёнки, бу мақсадга эришиш бевосита кадрлар салоҳиятига, уларни танлаш, тарбиялаш ва жой-жойга қўйиш билан боғлиқ ишлар самарадорлигига бориб тақалади. Шундай экан, партия жойлардаги куйи ташкилотлари фаолиятини жонлантириш борасида доимий ишлаши лозим.

Тадбир иштирокчилари партия ташкилотларида кадрлар захирасини мустаҳкамлаш мақсадида олиб борилаётган амалий ишларни эътироф этган ҳолда, бу борада келгусида бажариладиган чора-тадбирлар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Шу билан бирга, партия захира кадрларини шакллантиришда энг аввало, худудий ташкилотлардаги «Ёш адолатчилар» фаолиятини жонлантириш, унинг нодавлат натижорат ва жамоат ташкилотлари, хусусан, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорлигини кенгайтириши лозимлиги юзасидан фикрлар билдирилди.

Ўқув-семинарда партиянинг Сайловолди дастури, Сиёсий Кенгаш қабул қилган қарорлар ижросини таъминлашга қаратилган масалаларга ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди.

Таъкидлаш жоизки, семинар доирасида Андижонга ташриф буюрган Ўзбекистон «Адолат» СДП фаоллари шаҳарнинг аҳоли орасида тарғиб этиш партияимиз нуфузини ошириш имконини беради.

Шу нуқтаи назардан ўқув-семинар иштирокчилари инновацион ишлаб чиқариш афзалликларни хусусида тўхталаш баробарида унинг махсули бўлган биогаз ва биоўғитдан муқобил энергия манбалари олиш борасидаги тажрибалар хусусида ўзаро ўртоқлашишди. Жумладан, «Адолат» СДП Фарғона вилоят Кенгаши раиси Наримон Шодиев, Тошкент вилоят Кенгаши раиси Камолжон Шодиметов, Наманган ви-

Саидолим АБДУРАҲМОНОВ,
«Adolat» мухбири.



Ҳар ишда камарбаста

Бошланғич ташкилотларда

Бошланғич ташкилот партияни жамоатчилик ва сайловчилар билан боғлайдиган, унинг ғоявий мақсодларини тарғиб қилишда бош-қош бўладиган етакчи бўғиндир. Улар фаолиятини намунали ташкил этиш орқалигина кўзланган мақсодларга эришиш мумкин.

Бугунги кунда Қашқадарё вилоятида Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг 6 минг нафардан зиёд аъзоларини бирлаштирган 214 та бошланғич партия ташкилоти фаолият олиб бормоқда. Жумладан, вилоят Скрининг марказида ташкил этилган БПТ фаоллари партия дастурий ғояларини аҳоли, айниқса, ёшлар ва жамоадошлари ўртасида кенг тарғиб қилиб, партия аъзолари, хайрихоҳлари сафини торабора кенгайтириб боришмоқда. Ташкилотда иш юритиш ҳужжатлари, партия аъзоларининг рўйхати, аъзолик бадални тушумини таъминлаш, сиёсий ўқувларни ўз вақтида ўтказиш каби барча партиявий-ташқиллий ишлар кўнгилдагидек йўлга қўйилган. Бу ерда хотин-қизларнинг фаоллигини ошириш, репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, мамлакатимизда амалга оширилаётган

ислохотлар жараёнида фаол иштирок этишини таъминлаш борасида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. — Марказимиз 2000 йилда ташкил этилган бўлса, шундан буён кўйи бўғинимиз фаолият олиб бормоқда, — дейди кўйи бўғинимиз фаоли, бош шифокор Зиеда Обякулова. — Ҳозир 30 нафардан ортик партия аъзолари кўйи ташкилотимизга уюшган бўлса, хайрихоҳлар ундан ҳам кўп. Энг муҳими, ходимларимиз ўз хоҳиш истаклари билан партияга аъзо бўлиб, фаоллигини оширишга, ташкилотимиз партия дастурий ғояларидан келиб чиқиб, юрдошларимизнинг маънавий дунёсини бойитиш, Ватанга муҳаббат, қадриятларимиз ва аъналаримизга садоқат туйғуларини сингдириш, сиёсий ва ҳуқуқий онгини оширишга астойдил бел боғлаган. Шу мақсадда турли

мавзуларда давра суҳбатлари, семинар-тренинг ҳамда конференциялар ўтказилмоқда. Бундай тадбирлар эса ёшлар орасида турли зарарли иллатларнинг тарқалишига йўл қўймайлик хизмат қилмоқда. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, ёш партия фаолларига жаҳонда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларнинг асл моҳиятини тушунириш, улар билан ўзаро фикр алмашиш, мамлакатимизда ёшларга қаратилаётган эътиборнинг қанчалик аҳамиятли экани, ушбу йўналишда амалга оширилаётган ислохотлар мазмун-моҳиятини тарғиб қилишга қаратилган чора-тадбирлар ўз самарасини бермоқда. Жамиятимизда кечаётган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маданий соҳадаги ўзгаришларни, ислохотларнинг моҳиятини тушунириш орқали фуқароларда дахлдорлик туйғусини кучайтириш, мавжуд муаммоларни бартараф этишда уларнинг фаол иштирокини таъминлашда бошланғич ташкилотлар кўп ишга қодир, албатта. Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг мазкур кўйи бўғини ҳам катта ишларга бош-қош бўлмоқда. Хусусан, партия аъзолари олий ўқув юрлари ва касб-хунар коллежларида тахсил олаётган ижтимоий

ҳимояга муҳтож оилалар фарзандларига ва аълочи ўқувчиларга моддий ёрдам, стипендия ажратиш масаласини илгариси суришяпти, бу ташаббусга ҳомийлар жалб этилмоқда. Бундан ташқари, партия фаоллари нафақат ўзлари меҳнат қилаётган жамоада, балки бошқа турли корхона ва ташкилотларда, маҳаллаларда ҳам кўплаб тарғибот-ташвиқот тадбирларини ўтказишяпти. Масалан, Қарши шаҳридаги «Чармгар», «Беклар», «Қизил масжид» маҳаллаларида, Қарши шаҳар газ идораси, шаҳар халқ таълими бўлимида Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси ҳамда партияимизнинг сайловолди дастури, шу жумладан, ҳозирги кунда олиб бораётган инновацион сиёсатига бағишланган давра суҳбатлари ташкил этилди. — Юқори партия органимиз йўл-йўриқ, кўрсатмаларини кенг халқ оmmasига етказиш БПТ фаолларидан катта масъулият талаб этади, — дейди бошланғич ташкилот етакчиси Зебо Ашурова. — Маҳаллаларда бўлиб, фуқароларни ташвиқлантираётган айрим муаммоларни тегшили ташкилотлар билан биргаликда ҳал эта-

ямиз. «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури доирасидаги амалий саъй-ҳаракатларимизнинг ҳам бошлаб юборганимиз. Шу билан бирга Касби, Миришкор, Нишон ва бошқа туманлар аҳолиси партия ҳаракат, фаолият дастури ва ғоялари билан таништириб борилаёпти. Хайрихоҳларни ўз сафимизга қабул қилаёмиз. Доимий равишда турли мавзуларда уюштирилган тадбирларимиз боис, сафдошларимизнинг сиёсий етуқлиги ва ижтимоий фаоллиги ҳам кучайиб бормоқда. Дарҳақиқат, барча жабҳада партиявий ишлар таъсирчанлигини ошириш кўп жиҳатдан кўйи ташкилотлар аъзоларининг ҳозиржавоблигига боғлиқ. Ҳар ишда сафдошларига камарбаста бўлаётган Зебо Ашурова бошчилигидаги БПТ аъзолари бугун партиянинг ҳақиқий жонқуярлари. Партия сафини ҳар томонлама билдириб, зукко, сиёсий етуқ кадрлар билан кенгайтиришда уларнинг астойдил ҳаракатлари катта самара бераётир.

Ўзбекистон «Адолат» СДП Қашқадарё вилояти Кенгаши матбуот хизмати.

Ўзбекистон «Адолат» СДП: ташаббус ва тадбирлар

Президент асари ўрганилмоқда

Жиззах вилояти статистика бошқармаси мажлислар залида Ўзбекистон «Адолат» СДП Жиззах вилояти Кенгаши томонидан Президентимизнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида» асарини ўрганишга бағишланган тадбир ўтказилди. Унда вилоят партия ташкилоти фаоллари, маҳаллий Кенгаш депутатлари, маҳалла аҳли, ёшлар вакиллари иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққанлар мустақиллик сиёсий курашлар авж олган оғир бир вазиятда давлатимиз раҳбари томонидан ҳар томонлама пухта ўйланган, оқилона сиёсат туфайли қўлга киритилганини, мазкур асар ўша даврдаги ўта мураккаб вазият ҳақида аниқ тасаввур берадиган тарихий манба эканлигини алоҳида эътироф этдилар.

— Ёшларни миллий истиқлол ғоялари руҳида тарбиялашда мазкур асар алоҳида аҳамият касб этади, — деди Ўзбекистон «Адолат» СДП

Жиззах вилояти Кенгаши раиси ўринбосари Р.Тўйчиев. — Асарни чуқур ўрганиш, уни янада кенгроқ тарғиб қилиш ёшларда турли бузғунчи ғояларга қарши курашда имунитетни кучайтиришга хизмат қилади.

Тадбир давомида ушбу асар мазмун-моҳияти акс эттирилган ҳужжатли фильм ҳам намойиш этилди.

Ўзбекистон «Адолат» СДП Жиззах вилояти Кенгаши матбуот хизмати.

Дастур ижроси йўлида

Чирчиқ шаҳридаги Болалар кўп тармоқли тиббиёт марказида «Хотин-қизларнинг жамият тараққиётидаги иштирокини янада фoллаштириш» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури доирасида Ўзбекистон «Адолат» СДП Чирчиқ шаҳар кенгаши томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда вилоят ва Чирчиқ шаҳар тиббиёт филоларисини, халқ таълими бўлими вакиллари, маҳалла фуқаролар йиғини ҳамда партия фаоллари иштирок этишди.

Тадбирда сўзга чиққанлар бугунги ўзбек аёли жамиятининг барча жабҳалари қатори ижтимоий-иқтисодий соҳаларда ҳам самарали фаолият кўрсатганлигини алоҳида таъкидлашди.

— Мамлакатимизда хотин-қизларнинг барча соҳалардаги фаолияти ҳамда интилишлари қўллаб-қувватланмоқда, — деди Ўзбекистон «Адолат» СДП Чирчиқ шаҳар кенгаши раиси Р.Дастиров. — Натижада хотин-қизлар ташаббускорлиги, тадбиркорлиги ортмоқда. Касаначиликнинг ривожланиши орқали аёллар бандлиги таъминланмоқда.

Шунингдек, тадбирда Тошкент вилояти Болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази бош шифокори С.Мирзарахимова «Соғлом бола — юрт истиқбол» мавзусида маъруза қилди.

— 2009-2013 йилларда аҳоли репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом

бола туғилиши, жисмоний ва баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури» ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда, — деди нотик. — Шубҳасиз, бу борадаги ишларда давлат ва нодавлат ташкилотлари ходимлари бирдек фаол иштирок этишмоқда. Ушбу тадбир ҳам аҳоли ўртасида «Соғлом оила — соғлом фарзанд» тамойили асосида тушинтириш-ташвиқот ишлари партия томонидан жадал олиб бораётганлигидан далolatдир.

Тадбир сўнггида бир гуруҳ партия фаоллари Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари топширилди.

Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент вилояти Кенгаши матбуот хизмати.

Эзгуликка йўғрилган ташаббус

Ўзбекистон «Адолат» СДП Хоразм вилояти Кенгаши Аёллар қаноти ташаббуси билан ташкил этилаётган «Оила — муқаддас даргоҳ» кўрик-танловининг 2-худудий босқичи Янгиорик, Қўшқўприн ҳомида Шовот тумани партия кенгаши ўртасида бўлиб ўтди.



Мустаҳкам оила йили муносабати билан ташкил этилаётган мазкур тадбирнинг мазмун-моҳияти юксак маънавиятлик қомил инсонни тарбиялашга кўмаклашиш ғояси билан суғорилганлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

— Бугун глобаллашув жараёни жадаллашиб, ахборот технологиялари изчил ривожланмоқда, — деди «Адолат» СДП Хоразм вилояти Кенгаши раиси ўринбосари З.Юсупова. — Мана шундай шароитда фарзандларимизни ёт ғоя ва мафқулардан, турли бузғунчи оқимлардан сақлайдиган энг ишончли ҳимоя кўргони, шубҳасиз, оила ҳисобланади. Ота-онадаги маданият, маънавият, салоҳият ва масъулият эса фарзандларда намоён бўлади. Шу боис ота-онадаги ушбу хислатларни ошириш муҳим вазифа ҳисобланади.

Шунингдек, ушбу кўрик-танлов орқали оилавий тантаналарни тартибга солиш, худуд-

нинг ўзига хос қадриятлари, халқимизнинг бой тарихий маънавий меросини, намунали оилаларнинг ибратли ҳаётий тажрибасини тарғиб қилиш назарда тутилган.

Танловда иштирок этган оилалар ўзларининг оилавий кўргазмалари, сахналаштирилган чиқишлари билан иштирокчиларда катта таассурот қолдирди. Танлов адолат мезонлари асосида баҳолаб борилади. Яқиний натижага кўра, янгиориклик Курёзовлар оиласи биринчи, қўшқўпринлик уста-хунарманд Атоевлар оиласи иккинчи ҳамда Шовот туманидан қатнашган Рўзметовлар оиласи эса учинчи ўринга лойиқ топилди. Ҳолиларга Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг фахрий ёрлиги ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

Ўзбекистон «Адолат» СДП Хоразм вилояти Кенгаши матбуот хизмати.



Лоқайдликка ўрин йўқ

Ўз-ўзини танқид

Бугун мамлакатимизда сиёсий партияларга кенг иштирок этиш ва шарафлар берилиши айниқса, «Давлат бошқаруви»ни янгилаш ва демократлаштириш ҳамда мамлакатнинг модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтириш тўғрисидаги Конституциявий Қонун ҳамда Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясига асосан Конституцияимизга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар сиёсий партияларга яна бир қатор имтиёзлар бердики, бу партияларимиз орасида соғлом рақобат муҳитини янада кучайтиришга хизмат қилмоқда. Партиялар фаолиятининг самарадорлиги энг аввало барча партиявий бўғинлар фаолиятида масъулиятни ошириш, электрот манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг сиёсий-ҳуқуқий саводхонлигини мунтазам ошириб бориш, жойларда учраётган ижтимоий-иқтисодий камчиликларни бартараф этишда ташаббускор бўлиш каби ташқиллий, амалий ишлар натижаси билан ўлчанади.

Ўзбекистон Адолат СДП Тошкент шаҳар Кенгашида ҳам сиёсий партияларга қўйилаётган талаблардан келиб чиқиб, дастурий вазифалар ижроси ва самарадорлигини оширишга, айниқса, БПТлар фаолиятига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бугунги кунда партиянинг Тошкент шаҳридаги 6200 нафар яқин аъзолари 219та бошланғич партия ташкилотига бирлашган ҳолда фаолият юритаётир. Социал-демократия ғояларини аҳоли орасида кенг тарғиб этиш, аъзолар сонини ошириш, аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий саводхонлигини мустаҳкамлашга қаратилган давра суҳбатлари, қурашув ва семинарлар ташкил этишда бошланғич ташкилотлар муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу борада, айниқса, Миробод, Шайхонтоҳур, Олмазор ва Сергей туман кенгашлари фаоллик кўрсатишмоқда.

Аммо Тошкент шаҳар Кенгашининг айрим худудий ташкилотларида кўйи бўғин фаолиятига сусташлик билан ёндашиш, уларнинг самарали фаолиятини таъминлаш жаъраёнида масъулиятсизликка йўл қўйиш каби камчиликлар ҳам кўзга ташланмоқда. Бу асосан БПТ аъзоларининг партия умумий фаолиятига кенг жалб этилмалиги ёки уларни партия фаолиятидан мунтазам хабардор қилиб борилмалиги, кўйи ташкилотлар раислари билан туман кенгашлари раислари ҳамкорлиги яхши йўлга қўйилмаганили-

ида намоён бўлмоқда. Шу каби камчилик ва нуқсонлар ҳамма, Юнусобод ва Бектемир туман кенгашлари фаолиятида кузатилмоқда.

Бу каби камчиликларни бартараф этиш учун туман кенгашлари депутатлик гуруҳлари ҳамда барча бошланғич ташкилотлар раислари ҳамда етакчилари учун мунтазам равишда сиёсий ўқиш ва семинар-тренинглар уюштириб, уларга зарурий маслаҳат ва кўрсатмалар бериб боришмоқда. Ана шундай саъй-ҳаракатлар натижасида аҳолининг барча қатламлари орасига фаол кириб бориш, партия дастурий мақсадларини амалга ошириш ва электрот манфаатларига қаратилган устувор ижтимоий вазифаларни бажаришда самарадорликка эришилмоқда. Келгусида ҳам бу йўналишдаги ишларимизни янада фаол давом эттириб, айрим худудий ташкилотларимизда йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиб боришга алоҳида эътибор қаратилади.

Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгаши матбуот хизмати.

Юксак ҳуқуқий маданиятли ёшлар

жамиятда қонун устуворлигини таъминлашнинг гаровидир

Давоми. Бошиқ 1-бетда

— Ўтган йиллар мобайнида аҳолининг, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга, уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ифода этишга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилди. — деди партия фракцияси аъзоси Камола Ҳамидова. — Бу борадаги қонунчилик изчил ва босқичма-босқич такомиллаштирилди. 1991 йилдаёқ «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилинганлиги, Бош Қомиссиянинг ўнга яқин моддаларида айнан ёшлар ҳуқуқларига оид нормалар мустаҳкамланганлиги, қолаверса, Бола ҳуқуқлари конвенцияси ва ёшлар ҳуқуқларига доир бошқа бир қатор халқаро ҳужжатларнинг ратификация қилинганлиги бунинг яққол тасдиғидир. Шунингдек, ёшлар ўртасидаги жиноятчиликнинг олдини олиш ҳамда уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ва ҳуқуқий норматив ҳужжатлар ишлаб чиқилдики, улар бугунги кунда қонун устуворлигини таъминлашда мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Шунини таъминлаш билан таъкидлаш жоизки, бугунги кунда ёшларимизнинг ҳуқуқий онги ва саводхонлиги даражаси, ён-атрофда содир бўлаётган воқеаларга дахлдорлик туйғуси анча юксалганлигини кўриш мумкин. Албатта, бу борада ҳали амалга оширишимиз лозим бўлган вазифалар кўп. Хусусан, ёшларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини тўғри ан-

лашлари баробарида ўзгалар ҳуқуқларига ҳам ҳурмат туйғусини шакллантириш лозим. Шунингдек, уларни турли манбалар орқали, айниқса, интернет орқали кириб келадиган маълумотларнинг зарарли таъсиридан ҳимоя қилиш, таълим муассасаларида ўтиладиган ҳуқуқий мавзудаги дарслар сифатини ошириш ҳамда уларни зарурий ҳуқуқий адабиётлар билан таъминлаш муҳим аҳамиятга эга.

Республика Бош прокуратураси бўлим прокурори Фатҳулла Баҳромовнинг таъкидлашича, мамлакатимизда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан вояга етмаганлар ва ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган чора-тадбирлар изчил амалга ошириб келинмоқда. Олиб бориладиган саъй-ҳаракатлар натижасида ўтган 2011 йилда вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик ҳолатлари 2010 йилга нисбатан 2,8 фоизга, жиноятда иштирок этган вояга етмаганлар сонининг 0,5 фоизга қайтаришга эришилди. Қолаверса, никоҳ ёшига етмаган қизларнинг турмушга чиқишининг олдини олишга қаратилган саъй-ҳаракатлар натижасида ўтган йили оналар ўлими 3,4 фоиз, гўдақлар ўлими 8,5 фоизга қисқаришига эришилди. Шу билан бирга, бу борада ҳам ҳали айрим муаммолар мавжуд. Бу муаммоларнинг ижобий ҳал этиш учун эса ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, жамоат ташкилотлари, маҳалла, оила ҳамда таълим муассасалари ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш долзарб аҳамиятга эгадир.

Семинарда Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи Алижон Очилов бугунги кунда адлия идораларининг мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда аҳоли, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган тарғибот тадбирлари ташкил этилаётганлиги ва унинг самаралари ҳақида атрафлича сўз юритди. Бунда 1997 йилда қабул қилинган Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий Дастури муҳим дастурий-амал бўлаётганлиги алоҳида қайд этилди.

Семинарда талаба ёшлар ҳам ўз фикр-мулоҳазалари, савол ва тақлифлари билан фаол иштирок этишди. — Бундай тадбирларнинг ўтказилиши биз ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий саводхонлигини янада ошириш, бу ерда олган билим ва таассуротларимиз орқали тенгдошларимиз орасида ҳам ҳуқуқий маданият тарғиботини олиб боришимизда муҳим аҳамият касб этади, — деди Тошкент давлат иқтисодий университети талабаси, «Ёш адолатчилар» қаноти фаоли Василов Ишмуратова. — Бизнинг ҳуқуқий маданиятимиз қонунларимизга бўлган ҳурматимиз ва уларга риоя этишимизда намоён бўлади.

Тадбир сўнггида иштирокчи ёшлар Олий Мажлис Қонунчилик палатаси биносига экскурсия уюштириб, депутатларнинг қонун ижодкорлиги фаолияти билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлдилар.

Илёс САХАТОВ, «Адолат» мухбири.

Қонунчилик



Имкониятлар улкан

гап улардан самарали фойдаланишда

◀ Давоми. Боши 1-бетда

Ушбу ҳудудда хоржий инвестициялар иштирокида ишлаб чиқарилаётган ҳар хил улчам ва диаметрли полиэтилен ҳамда полипропилен қувурлар, автомобиль симлари, компрессорлар, спидометр сингари "GM Uzbekistan" корхонаси автомобиллари учун бутловчи қисмлар, рангли телевизион сигналлари рақамли форматда қабул қилиш учун махсус ускуналар, хоржий технологиялар асосида лосёнлар, крем, туш ва бошқа косметика воситалари импорт ўрнини боши билан бирга экспортга йўналтирилмоқда.

Махсус индустриал зона (МИЗ) сифатида айнан Ангрэн танланганлиги ҳам беҳиз эмас. Ангрэн республикамизнинг энг санатлашган шаҳарларидан бири. Колаверса, вилоятларимизни, пойтахтимизни Фарғона водийси билан боғлайдиган Қамчиқ довонидан айнан шу шаҳар ҳудудидан ўтилади. 2011 йилда "Ангрэн" логистика маркази — ёпиқ акциядорлик жамияти томонидан Қамчиқ довони орқали 4 миллион 200 минг тонна юк ташилган. Демак, МИЗ барпо этилиши бу кўрсаткичнинг ортиб боришига хизмат қилади. Бунинг устига, Ангрэн кейинги йилларда эътиборга ээтиб сезаётган шаҳарга айланганлиги ҳам кўпчилигимизга маълум. МИЗ эса шаҳарнинг нуфузи ва фаровонлигини ошириши, аҳоли, айниқса, ёшларни иш билан таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Фармонга кўра, МИЗда ички ва жаҳон бозорларида рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича замонавий, юксак технологияли ишлаб чиқариш барпо этилади ва уларнинг самарали фаолият юритиши учун инвестициялар, энг ав-

вало тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш борасида қулай шарт-шароитлар шакллантирилади. Шунингдек, МИЗга кирувчи минтақанинг ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланишни таъминлаш, минерал-ҳомашё ресурсларини янада чуқурроқ қайта ишлаш бўйича янги ишлаб чиқаришлар барпо этилади. Айни пайтда МИЗ ва республикамиз корхоналари ўртасида мустаҳкам кооперацион алоқалар ўрнатилиш ҳамда санат кооперациясини ривожлантириш асосида маҳаллий ҳомашё ва материаллар неғизида юксак технологияли маҳсулот ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш жараёнлари чуқурлаштирилди...

Фармон билан танишарканмиз, ҳаёлимиздан бир ўй ўтди. Ҳиндистонда бутун дунёга машҳур Бангалор деган шаҳар бор. Мутахассислар уни "Кремний водийси", "Силикон водийси", "Технопарк" деб ҳам аташади. Бангалор — Ҳиндистоннинг энг бой шаҳарларидан бири. Нима учун? Ҳолбуки унда саксон мингдан ортқ компьютер мутахассисси ишлайди, холос. Аммо қандай ишлашади? Ҳамма гап шунда. Солиштириш учун айтиш: Россия бир йилда нефть сотиб қанча даромад кўрса, бу шаҳардаги компьютерчилар ишлаб чиқариб, бутун дунёга сотаётган дастурий таъминотлар ҳам шунча фойда келтиради. Бу тахминан қирқ-эллик миллиард доллар дегани!

Биз орзулар реалликка айланган даврда яшамокдамыз. Ажаб эмас, яратилган улкан имкониятлар самарали фойдаланган ҳолда, "Ангрэн" МИЗ яқин келажакда мана шундай йирик иқтисодий-интеллектуал салоҳиятга эга, ўз маҳсулотлари билан жаҳон бозорини забт этган афсонавий ҳудудга айлана.

Шубҳасиз, Ангрэнда махсус индустриал зонанинг ташкил этилиши Ўзбекистон "Адолат" СДП мақсад ва вазифаларига тўла мос келади. Чунки мазкур Фармоннинг амалга ошириш ҳудудининг санат потенциални кучайтишига, янги-янги инновацион лойиҳаларнинг амалга оширишга, энг муҳими, қўшимча иш ўринларининг яратилишига, аҳоли турмуш фаровонлигининг янада ошишига, ала-оқибат фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтиришга хизмат қилади. Зеро, партиямиз ўз фаолияти мобайнида иқтисодиётни таркибий қайта қуриш, уни модернизация қилиш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик қайта жиҳозлашга алоҳида эътибор қаратади. Шу нуқтаи назардан "Ангрэн" махсус индустриал зонасини барпо этиш тўғрисида"ги Фармон партиямиз фаолияти ва депутатларимиз зиммасига ҳам улкан масъулият юклайди. Айниқса, мазкур масала бўйича қабул қилинадиган қарорлар ижросини таъминлашда жамоатчилик назоратини ўрнатиш, бу борада депутатлик гуруҳи ва партиямизнинг тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш олдимизда турган муҳим вазифалардандир. Демак, "Адолат" СДП мамлакатимизда амалга оширилаётган "Ислохот ислохот учун эмас, авваламбор инсон учун" тамойилига риоя қилган ҳолда, келгусида ҳам кучли ижтимоий сиёсатни қўллаб-қувватлаш орқали давлат иқтисодий дастурларининг бажарилишида фаол иштирок этади.

Зарифа ЭРАЛИЕВА,
"Адолат" СДП Ангрэн шаҳар кенгаши раиси,
Халқ депутатлари Тошкент вилоят кенгаши депутати гуруҳи раҳбари.

ХДП: маҳаллий депутатлик гуруҳлари нега жим?

Партиялараро мунозара

Мамлакатимизда фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қуришнинг асосий стратегик мақсад сифатида эълон қилинган "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" тамойили асосида ислохотларнинг тобора чуқурлашиб бораётганини жамият тароққийетининг барча жаҳаларида намоён бўлмоқда. Айниқса, ижтимоий ва сиёсий ислохотларнинг устувор йўналишлари фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилганлиги боис сиёсий партиялар, нодавлат но-тижорат ташкилотлар, ўзини ўзи бошқариш органлари, оммавий ахборот воситалари каби жамият институтларини демократлаштириш ва тақомиллаштириш давлатнинг бош ислохотчилик вазифасидан келиб чиқиб, бошқичма-бошқич амалга ошириб борилаётир. Айни пайтда парламент ҳамда нодавлат ва жамоат ташкилотларининг жамоатчилик назоратини кучайтириш масаласига ҳам юксак эътибор берилмоқда.

Аниқроқ айтганда, парламент ва маҳаллий вакиллик органлари — Кенгашлар олдидан турган муҳим вазифа — бу қабул қилинган қонунларнинг ижро этувчи ҳокимият, ҳукумат томонидан марказда, ҳокимликлар томонидан эса жойларда қандай бажарилаётганини устидан қатъий парламент назоратини, депутатлик назоратини ўрнатиш масаласи барча сиёсий партиялар зиммасига улкан масъулият юклайди. Шу билан бирга, сиёсий партияларнинг марказда ва жойларда ижро этувчи ҳокимият идораларини шакллантириш жараёнига таъсирини таъминлаш учун барча ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилган. Гап ундан фойдаланишда қолган ҳолос. Бунинг учун партиялар халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партиялар гуруҳлари фаолиятини жонлантириши, барча бўғиндаги ижро этувчи тузилмаларнинг минтақалар ижтимоий-иқтисодий тараққиётига доир амалий вазифаларни ҳал этиш ишига партиялар ўз таъсирини ошириши талаб этилади.

Хўш, рақобатчи партияларни, хусусан, маҳаллий кенгашларда кам ўринга эга

бўлган Ўзбекистон "Адолат" СДПни маҳаллий ҳокимиятлар фаолияти устидан етарли жамоатчилик назоратини олиб боролмаётганида айблаётган ХДП бу борада қандай амалий ишларга қўл урди? Балки маҳаллий даражадаги депутатлик бўғинларида фаолият кўрсатаётган Халқ демократик партияси бошқаларга ўрнатиб бўлаётган ижтимоий-иқтисодий тараққиётга доир муқобил тақлиф ва ташаббусларни илгари сураётган Афсуски, йўқ. Жамоатчилик назорати хусусида ҳам шундай фикрларни айтиш мумкин. Буни партиянинг матбуот органи бўлган нашрларда ёритилаётган материаллар орқали билиб олма ҳам бўлади.

Шу ўринда яна бир масалага ойдинлик киритиб оласан.

Аслида партия ўзагини қимлар ташкил қилишини билами, албатта. Аммо ХДПнинг ижтимоий ўзагини ташкил қилувчи аҳоли қатлами хусусида тўхталганда партия фаолларидан бирор аниқ жавоб олиш қийин. Улар орасида таъинимиз аҳолининг барча табақалари деган жавоблардан тортиб, айрим вилоят ва туман даражасидаги фирка

фаолларининг ХДП бу раҳбарлар партияси деган жавобларини ҳам олиш мумкин. Шунинг учунми, халқ депутатлари туман, шаҳар ва вилоят Кенгашларидаги кўпчиликни ташкил этувчи ХДПчилар кўпинча ўз партиядошлари бўлган маҳаллий ҳокимларни "тергаш"га, назорат қилишга жазм қилолмаяптилар. Партия нашри бўлмиш "Ўзбекистон овози" газетаси саҳифаларида ижроия ҳокимиятларидаги камчиликларни тилга олувчи мақолаларнинг деярли учрамаётганлиги ҳам бунинг ёрқин исботидир. Ваҳоланки, бу партиянинг иқтисодий имкониятлари бошқа партиялардан кенг, тажрибаси бошқаларга қараганда кўпроқ, лекин ХДП маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари камчиликларини кўрсатиб берувчи бирор-бири чиқиш қилганини на унинг наш-

чиликлар бошқа партияларда ҳам учрайди. Аммо фуқаролик жамияти қуришда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан жамият институтларини давлат бошқарувида, мамлакат тараққиётида, халқ фаровонлигини оширишда иштирок этишлари учун тенг имкониятлар яратиш, бу соҳада уйғун ҳолда ҳамкорлик қилишнинг ҳуқуқий жиҳатлари яратилди, бу соҳа давлат сиёсатининг устувор йўналиши даражасига кўтарилди. Демак, бундан барча партиялар, хусусан, соғлом рақобатда "Адолат"ни менсимаётган ХДП ҳақиқатини хулосалар чиқариши керак.

Шубҳасиз, ислохотларни янада чуқурлаштириш жараёни давом этаётган бир пайтда сиёсий партияларнинг маҳаллий вакиллик органларидаги иштирокини янада фаол-

...халқ депутатлари туман, шаҳар ва вилоят Кенгашларидаги кўпчиликни ташкил этувчи ХДПчилар кўпинча ўз партиядошлари бўлган маҳаллий ҳокимларни "тергаш"га, назорат қилишга жазм қилолмаяптилар. Партия нашри бўлмиш "Ўзбекистон овози" газетаси саҳифаларида ижроия ҳокимиятларидаги камчиликларни тилга олувчи мақолаларнинг деярли учрамаётганлиги ҳам бунинг ёрқин исботидир.

рида ва на бошқа ОАВда қузатдик. Шубҳасиз, бу каби омиллар ўз-ўзича партиянинг ҳаётийлигини таъминлашга, гоёвий бўшлиқни тўлдириб, гап имкон бермаслиги турган гап.

Тўғри, аъзолари сонининг кўплигини назарда тутсақ, муҳолиф партия аҳоли қатламлари орасидан, айниқса, кўп тарафдорлар топаетгандек. Аслида-чи? "Карвонбошилиқ" боиси ХДП тарғиб қилаётган гоёларнинг ўзига жалб қилувчи хусусиятида эмас, балки ворис сифатида мол-мулкка қўшиб барча аъзоларни ҳам "мерос" қилиб олганлигидадир, десак хато қилмаган бўламиз.

Албатта, жамоатчилик назоратини йўлга қўйишдаги кам-

лаштириш ва мустаҳкамлаш учун партиялар бошланғич ташкилотларини ташкилий жиҳатдан тақомиллаштириш, бошланғич ташкилотларни партия электоратига қўнлаштириш, партиялар гоёлари ўртасидаги баҳс-мунозаралар мазмун-моҳиятини ижтимоий-иқтисодий муаммоларни бар-тарфда эштига қаратиш — давр талабидир. Зеро, партияларнинг фуқароларни ислохотлар жараёнига сафарбар этишни устувор вазифа сифатида эътиборга олиш — фуқаролик жамияти қуришнинг муҳим кафолатидир.

А. АБДУЛБОҚИЕВ.

Жаҳон иқтисодий тизимида интеграциялашув

мавжуд қонунчилик базасини доимий равишда тақомиллаштиришни, уни халқаро меъёрлар ва андозаларга мослаштириб боришни тақозо этмоқда

◀ Давоми. Боши 1-бетда

Эътироф этиш керакки, бугун рақобатдош маҳсулотларгина ички ва ташқи бозорда хариддор-гир бўла олади. Истеъмолчиларга тақлиф этилаётган товарларнинг сифати юқори ва нархи нисбатан арзон бўлиши эса энг устувор талаблардан саналади. Ўз навбатида Жаҳон иқтисодиётидаги глобаллашув жараёнлари мавжуд қонунчилик базасини доимий равишда тақомиллаштиришни, уни халқаро меъёрлар ва андозаларга мослаштириб боришни тақозо этмоқда. Шубҳасиз, мазкур йўналишда муайян ишлар олиб борилмоқда.

Хусусан, 2009 йил 23 апрелдан қўлга кирган Ўзбекистон Республикасининг "Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида"ги Қонуни ишлаб чиқариш жараёнларига, иш ва хизматларга, маҳсулотларга қўйиладиган талабларни ўрнатишда ва қўллашда янгича ёндашушни белгилаб берди. Қонуннинг ижроси юзасидан ўтган давр мобайнида бир қатор ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Жумладан, 2009 йил май

ойида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг чоратадбирлар режаси асосида тегишли қўнуности ҳужжатлар ишлаб чиқилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Санат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси ташаббуси билан 2011 йил 26 апрель куни "Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ислохотлар: амалиёт, муаммолар ва истиқболлар, уларнинг ечимлари" мавзусида илмий-амалий конференция ўқазилиб, унинг якунлари бўйича тегишли тавсиялар берилган эди. Мазкур ташаббуснинг узвий давоми сифатида жорий йилнинг 6 апрель куни қўмита "Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ижро этилиши юзасидан "Узстандарт" агентлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Давлат табиати муҳофаза қилиш қўмитаси ҳамда бошқа мутасадди органлар раҳбарларининг ахборотларини эшитди.

Тадбир давомида техник жиҳатдан тартибга солиш соҳаси

учун мутахассислар тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш, ва илмий-техник ишларнинг ҳолати ҳақидаги маълумотлар олинди. Шу билан бир қаторда, иштирокчилар 2010-2013 йиллар учун техник регламентларни ишлаб чиқиш дастурининг ижроси кечикаётганлиги, айрим давлат ва ҳўжалик органлар ўз функцияларини бажаришда қузатувчи қай-қайфията эканлиги алоҳида эътибор қаратилди. Иштирокчилар томонидан техник регламентларни ишлаб чиқиш жараёнига тадбиркорларни кенгроқ жалб қилиш, бу борадаги ахборотлар ошқоралигини таъминлаш масалалари қизғин муҳокама қилинди.

Таъкидлаш жоизки, юридик ва жимсионий шахсларга техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар тўғрисида тўлиқ, ишончли ва ўз вақтида ахборот бериш, соҳада фан ва техниканинг замонавий ютуқларидан фойдаланишга қўмаклашиш, норматив ҳужжатлар тўғрисидаги ахборотларнинг ошқоралигини таъминлашда ваколатли органларнинг масъулиятини ошириш, уларнинг ўзаро ҳамкорли-

гини янада ривожлантириш зарур. Бундан ташқари, ваколатли органлар томонидан соҳадаги ислохотларнинг ҳуқуқий асослари, мазмуни, моҳиятини тушуниришга қаратилган ўқув семинарларда давлат ва ҳўжалик органлари мутахассисларининг фаол иштирокини кенгайтириш ҳам устувор масалалардан саналади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, "Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар кириштириш ҳақида"ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Айни вақтда мазкур қонун лойиҳаси Қонунчилик палатаси муҳокамага киритилиши режалаштирилмоқда. Қонун лойиҳасининг асосий мақсади мамлакатимизнинг Бутунжаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлишига тайёргарлик қўриш йўлида ушбу ташкилот битимларининг талабларини бажариши, маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар хавфсизлиги масалаларида истеъмолчилар ва давлат ҳўқуқларининг ҳимоясини таъ-

минлаш, халқаро савдодаги ортқча тўсиқларни бартарф этишдан иборатдир.

Хар қандай ишлаб чиқариш корхонасининг бозорда ўз ўрнини мустаҳкам сақлаб қолишида тежамкор, илғор ва замонавий технологияларнинг роли беқиёс. Шу маънода, Ўзбекистон "Адолат" СДП мамлакатимизда инновация турдаги иқтисодиётни ташкил этиш муҳим вазифа, деб ҳисоблайди. Уни ривожлантириш мамлакатимизнинг илмий, илмий-техник салоҳиятини янада тўлиқ рўйбга чиқариш имконини беради. Колаверса, партиямиз иқтисодиётни таркибий қайта қуриш, уни модернизация қилиш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик қайта жиҳозлашга алоҳида эътибор қаратади. Зеро, иқтисодиёт энг замонавий илм-фан ва техник ютуқларига, иқтисодий жараёнларни самарали бошқариш, илғор инновацион фикрларни тарбиялайдиган таълим тизимига таъиниш даркор.

Анвар СУЛАЙМОНОВ,
Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоси.

Вилоят Кенгашларида

Ўзбекистон "Адолат" СДП Сурхондарё вилоят Кенгашининг VII Пленуми бўлиб ўтди. Пленум ишида партиянинг вилоят Кенгаши фаоллари, туман ва шаҳар партия ташкилоти раислари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгаш депутатлари, Фуқаролик жамияти шакллонишини мониторинг қилиш мустақил институти ҳудудий бўлини-маси ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этиди.

Пленум бўлиб ўтди

Вилоят партия Кенгаши раиси С.Ҳамидова "Ўзбекистон "Адолат" СДП вилоят Кенгашининг 2011 йилдаги Устав фаолияти якунлари ва 2012 йил фаолиятининг асосий йўналишлари" мавзусида таъкидлаб ўтганидек, ўтган 2011 йил вилоят Кенгаши ижроия қўмитаси ҳамда кўпгина ҳудудий партия ташкилотлари амалиётга ишлаганининг янгича шакл ва услубларининг жорий этилганлиги билан ажралиб туради. Кундалик сиёсий фаолиятдаги бундай янгиликлар пировардида партиянинг нуфузи ортиб, кенг аҳоли ўртасида унинг янада танилишига хизмат қилди.


— Пленумда таъкидланганидек, олдимизда турган муҳим вазифалардан бири, бу — бошланғич партия ташкилотлари ҳамда маҳаллий кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари иши самардорлигини ошириш, уларнинг ҳамкорликдаги фаолиятини таъминлашдир, — деди Термиз шаҳар партия кенгаши раиси ўринбосари, халқ депутатлари Термиз шаҳар Кенгаши депутати Б.Ашуров. — Яна бир устувор вазифа си-

фатида жойлардаги партия ташкилотларининг кадрлар захирасини қайта қўриб чиқиш масаласи кўтарилгани ҳам беҳиз эмас. Чунки бугунги давр талабини чуқур англаб етадиган ишчан кадрларни партия кенгашлари ишига сафарбар этиш ҳудудий ташкилотларимиз ва депутатлик гуруҳлари ҳамкорлигини кучайтиришга хизмат қилади.

Пленумда ташкилий масала қўрилди. Партиянинг вилоят Кенгаши раиси ўринбосари Х.Қарошев бошқа ишга ўтганлиги боис ҳамда Шўрчи тумани Кенгаши раиси Г.Алимаждонова ўз арizasига кўра вилоят Кенгаши таркибидан чиқарилиб, вилоят Кенгашига О.Ортиқова ва К.Османова киритилди. Шунингдек, халқ депутатлари вилоят Кенгашига бўшаб қолган ўринларга партиянинг вилоят Кенгаши томонидан номзодлар кўрсатилди ва Пленум иштирокчилари томонидан тасдиқланди.

Ўзбекистон "Адолат" СДП Сурхондарё вилояти Кенгаши матбуот хизмати.

Буюк келажак учун дахлдорлик



Давоми. Боши 1-бетда

Ўзи гувоҳ бўлган, таъсирланган, хайратга тушган ижобий ёки аксинча, кўнглини гаш қилган ноҳуш воқеалар, масалан, асосиз камситиш ёки адолатсизлик, гарчи у буларнинг маъно-моҳиятини тўла англашга қодир бўлмаса-да, онг-шуурига маржондек тизилиб боравериши. Бу жараён қандай кечиши, қайси йўналишларда илдириштиши эса унга сабоқ бераётган устоз-мураббийларнинг педагогик маҳоратиغا боғлиқ.

Дастлабки касбим ўқитувчи бўлгани учун ҳам аниқ айта оламани: собиқ тузум мактабларида ўқитувчи бирор мавзунини қандай тушунтирган, дарсликда қандай ёзилган бўлса, шунини ёдлаб, айнан қайтарадиган, ўзидан бир нималар қўшмайдиган, савол бериб, домланинг бошини қотирмайдиган болаларнинг мактови зўр бўларди. Ўқитувчига савол бериш эса одобсизликка йўлланарди.

Шўролар ҳукмронлиги йиллари ҳар бир туманда моддий базаси нисбатан дуруст, йўллари текис, синф хоналари таъмирланган бир-иккита намунали мактаб бўларди. Юқори ташкилотлардан келадиган текширувчилар, маориф соҳаси вакиллари шу мактабларни кўздан кечириб хулоса чиқарар, таълим-тарбияга оид тадбирлар асосан шу база-мактабларда ўтказиларди.

Бошқа мактабларда эса аҳвол ачинарли бўлиб, ёз адоғидек қишга ўтин гамлаш, «голланд» печкаларнинг муриларини тозалаш ишлари авж оларди. Тузум мактабнинг жиловини қаттиқ ушларди. Халқ таълими мутасаддиларига мустақил фикрлайдиган, оқ-қоранинг фарқи борадиган «шаддо»лар эмас, жамиятнинг сохта, ғайриахлоқий шюрларини сўзсиз маъқуллайдиган «ура-ура»чилар, қарсақ чапиб, ер тепиб чарчамайдиган хайбаракалча шоввоалар керак эди ва бунга эришарди ҳам.

Мустақилликка эришилгач, янги ёш давлатимиз олдида мамлакатда тинчлик-тотувилик

ни сақлаб қолиш, собиқ тузум асоратларидан тезроқ қутулиш, мустақилликнинг узок йилларга мўлжалланган миллий тараққиёт йўлини белгилаш билан бирга, янгича дунёқарашга эга бўлган ёш авлодини тарбиялаш ва камолга етказиш, таълим-тарбия тизимини тўздан қайта ташкил этиш вазифаси турарди. Бу вазифа мактаб биноларини таъмирлаш, янгиликларни қуришдангина иборат эмасди, албатта. Мустақиллик гоёларига мос янги дарслик, ўқув қўлланмаларини яратиш, педагог кадрлар малакасини ошириш, маориф соҳасида дунёда мавжуд илғор тажрибаларни ўрганиш бирламчи аҳамиятга эга эди.

Таълим-тарбия бирини иккинчисидан ажратиб бўлмайди. Бирини иккинчисини тўлдирадиган соҳа бўлиб, бу жараёни бир зум бўлса-да, сустлаштириб бўлмайди. Халқ орасида кенг тарқалган ойил-кўра, бир киши олти ойил чақалогини Абу Али ибн Синонинг олдига олиб келиб, «Боламнинг тарбиясини қачон бошлаганим маъқул» деб сўраганида, улуг ҳаким: «Олти ойга кечикибсиз» деган экан. Бу пурмаъно жавоб замирида жуда катта ҳаётий қузутов бор. Бошқа соҳаларда йўл қўйилган хато-камчиликларни тўзатиш мумкин, аммо тарбияда бундай қузутов фурсатнинг ўрнини тўлдириш осон кечмайди. Бунга қўллаб мисоллар келтириш мумкин.

Ўтган асрнинг саксонинчи йиллари адоғида ёш авлод таълими ва тарбиясида бўшлиқ юзага келди, уни эгаллаш учун кураш авжига чиқди, нияти хошлиқдан йироқ кўчлар пинҳона тарғиботи кучайтирди. Ҳаётий тажрибаси етарли бўлмаган, воқеа-ҳодисаларни мустақил таҳлил қилиб, тегишли хулосалар чиқаришга ва шу асосда фикр юритишга ўргатилмаган ёшларнинг турли ғаразли оқимлар, бузғунчилар таъсирига тушиб, уларнинг хоҳмаёл чўпчакларига ишониб, тўри йўлдан чалғиш эҳтимоли кўнаиди. Умри тугаб бораётган тузум ва унинг сохта мафқураси бу тўғрида ўйлашдан кўра,

кўпроқ ўзи, тақдири тўғрисида қайғураб, ётиб қолгунча отиб қол, деганларидек, пойдевори науб бораётган иморат деворларига шунчаки ранг бериш билан машғул эди.

Ёш авлод тарбияси, уларнинг дунёқараш мустақилликка эришган ҳар қандай жамият учун беқиёс катта аҳамиятга эга. Миллий фаровонлик ва иқтисодий барқарорлик катта ҳаёт оstonасига қадам қўяётган ёшларнинг замонавий биллиmlарини чуқур эгаллагани, дунёқарашининг тўғри шаклланиши, кекса авлод эришган ютуқлардан, ўтмиш аждодлар меросидан баҳрамандлиги ва улар тажрибасига таяниб, мамлакатнинг илмий, иқтисодий, маданий-маърифий салоҳиятини кўтариш йўлидаги вазифаси, ҳисса мулдат, ички қўлати билан боғлиқ. Шу боисдан ҳам истиқлолимизнинг илк қадамларидан бошлаб, мамлакатимизда янги даврнинг янги авлодини тарбиялаш, улар дунёқарашини миллий истиқлол мафқурасининг асосий гоё ва тамойиллари асосида шакллантириш иши давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ўзбекистон Президенти раҳбарлигида ишлаб чиқилган ва қабул қилинган «Таълим тўғрисида» ҳамда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги Қонунлар мамлакатимизда малакали кадрлар тайёрлашнинг янги истиқболли тизимини яратишга асос бўлди ва таълимга доир илғор, замонавий, халқимизга хос миллий-маънавий қадриятларга аҳолининг умумий таълим ва амалиётга жорий этиш йўллари кўрсати берди. Таълим тизимини янги ўқув-илмий ишлаб чиқариш мажмуи сифатида шакллантириш ва босқичма-босқич ривожлантириш, янги талабларга жавоб бера олган педагог мураббийлар тайёрлаш ҳамда улар малакасини ошириш ишини мамлакатимизда ўтказилаётган демократик ислохотлардан кўзланган мақсад билан уйғунлаштириш, бу жараёнга юксак малакали, танлаб касбига садоқатли инсонларни жалб этиш эди. Янги



тизим олдида узлуксиз таълим тизимининг янги, мустақил шакли бўлган ўрта махсус, касб-хунар таълимини шакллантириш, ҳисса мулдат, ички қўлати билан боғлиқ. Шу боисдан ҳам истиқлолимизнинг илк қадамларидан бошлаб, мамлакатимизда янги даврнинг янги авлодини тарбиялаш, улар дунёқарашини миллий истиқлол мафқурасининг асосий гоё ва тамойиллари асосида шакллантириш иши давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ўзбекистон Президенти раҳбарлигида ишлаб чиқилган ва қабул қилинган «Таълим тўғрисида» ҳамда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги Қонунлар мамлакатимизда малакали кадрлар тайёрлашнинг янги истиқболли тизимини яратишга асос бўлди ва таълимга доир илғор, замонавий, халқимизга хос миллий-маънавий қадриятларга аҳолининг умумий таълим ва амалиётга жорий этиш йўллари кўрсати берди. Таълим тизимини янги ўқув-илмий ишлаб чиқариш мажмуи сифатида шакллантириш ва босқичма-босқич ривожлантириш, янги талабларга жавоб бера олган педагог мураббийлар тайёрлаш ҳамда улар малакасини ошириш ишини мамлакатимизда ўтказилаётган демократик ислохотлардан кўзланган мақсад билан уйғунлаштириш, бу жараёнга юксак малакали, танлаб касбига садоқатли инсонларни жалб этиш эди. Янги

авайлаш устоз-мураббийлардан таълим-тарбия ишига янада масъулият билан ёндашишни, содда қилиб айтганда, фойдали ва ташаббускорликни талаб этади. Даврнинг шиддат билан ўзгариб бориши, илм-фан ютуқлари, янги технологияларнинг ҳаётимизга кириб келиши, шу билан бирга, турли ахборот хуружларининг авж олиши мураббийлар зиммасидаги масъулиятни оширади. Бугун у ўз билими доирасини мунтазам равишда кенгайтириб бориши, янги техник воситалардан унумли фойдаланиши ва педагогик амалиётда қўллай билиши, ўқувчиларнинг қизиқиши ва лаёқатларини ҳисобга олиши зарур. Бордию у бу талабларга риоя қилмаса, унинг ўзи замондан, янгиликлардан орқада қолаётган бўлса, ишига совуққонлик билан қараса, ташаббус кўрсатмаса, шоғирдлари қалбига йўл топа олмайди, ишида унум бўлмайди.

Тан олиш керак, мустақил Ўзбекистоннинг буюк келажак, порлоқ истиқболи, миллат раванки ва жамиятимиз тараққиёти бугунги ёш авлод тарбияси билан бевосита боғлиқ. Бу ишга дахлдорлик ёшлар тарбияси ишониб топширилган устоз-мураббийлар учун алоҳида фахр ва ифтихор ҳисобланади.

M. АХМЕДОВ.

Депутатлик гуруҳлари

Мамлакатимизда давлат ҳокимиятини мустақамлаш, кўлпартиявийлик тизимини янада ривожлантириш мақсадида қабул қилинган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий Қонун сиёсий партиялар, шу жумладан, Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг жамиятдаги мавқеини мустақамлашга хизмат қилиб келмоқда. Конституциявий Қонунда белгиланган ҳуқуқий меъёрлар партиянинг давлат ва жамият қурилишидаги масъулиятини, ролини кучайтирди. Марказда ва жойларда давлат ҳокимиятини шакллантиришдаги иштирокини кенгайтирди. Ўзбекистон «Адолат» СДП таркибидagi маҳаллий Кенгаш депутатлари бу имкониятлардан самарали фойдаланишга астойдил интиломоқдалар.

Фаолиятимиз асоси

партиямиз сайловолди дастурида илгари сурилган режаларни ҳаётга тўлақонли татбиқ этишдан иборат

Бугунги кунда Ўзбекистон «Адолат» СДПдан сайланган 445 нафар маҳаллий Кенгаш депутати 82 та депутатлик гуруҳига бирлашган ҳолда фаолият олиб бормоқда. Хўш, аниқ вақтда улар олдида қандай долзарб вазифалар турибди? Фаолиятда қандай камчиликлар учрамоқда?

Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасининг ақинда бўлиб ўтган йиғилишида «Худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашда Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги масала Ижроия қўмита аъзолари томонидан танқидий нуктаи назардан таҳлил қилинди. Муҳокамалар асосида юқоридаги саволларнинг жавоби чуқур ўрганилди.

Партиямизнинг сайловолди дастурида бир қанча муҳим ҳаётий гоёлар, сиёсий, иқтисодий-ижтимоий ислохотларга наф келтириши мумкин бўлган режалар илгари сурилган. Аввало, фаолиятимизнинг асосини ташкил этадиган вазифамиз — ушбу режаларни ҳаётга тўлақонли татбиқ этишдан иборат. Шунинг баробарида, партиянинг марказда ва жойларда ижро этувчи ҳокимият идораларини шакллантириш жараёнига фаол таъсирини таъминлаш учун барча ташкилий ҳуқуқий шарт-шароитлардан тўлақонли фойдаланиш керак.

Жойларда партия ташкилотлари маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари билан биргаликда мунтазам фуқаролар қабулларини ташкил этиш, партия электоратини ўйлантириб келаятган социал-иқтисодий муаммоларни аниқлаш, уларнинг ечимларини топишда муҳим ўрин тутди. Мазкур жараёнда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан яқин ҳамкорликда олиб бориш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, партия мафқураси, гоё ва мақсадлари тарғиботида бағишланган тадбирлар кўламини, уларнинг савиясини ошириш ҳам қўлланган самарани беради.

Таҳлиллар, ўрганишлар 2011 йилда худудий партия ташкилотларининг маҳаллий кенгаш депутатлари билан ҳамкорлиги доим ҳам етарли

бўлмаганлигини кўрсатди. Бу ҳол эса партиянинг амалий ишларига салбий таъсир ўтказмай қолмади. Шу сабаб депутатлик гуруҳларининг партия ташкилотлари билан ўзаро алоқаси тўғрисида ҳар бир вилоят Кенгашининг ўз Низоми ишлаб чиқилди. Мазкур меъёрий ҳужжатда партия Уставидан келиб чиқиб, ҳамкорлик фаолиятининг аниқ механизмлари белгилаб берилди. Шу йўналишдаги яна бир устувор вазифа — жойлардаги партия ташкилотларининг кадрлар захирасини қайта кўриб чиқиш масаласидир. Бугунги давр талабини чуқур англаб етadиган ишчан кадрларни партия кенгашлари ишига сафарбар этиш худудий ташкилотларимиз ва депутатлик гуруҳлари ҳамкорлигини кучайтиришга хизмат қилади.

Айтиш жоизки, Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг асосий гоёлари, илгари сураётган тамойиллари моҳият нуктаи назардан гоёт жозибадор ва аллақачон бугунги ҳаётимиз мезонларига айланган улғурган. Партиямиз мафқураси эса жаҳон социал-демократия амалиётида тўпланган илғор замонавий тажрибаларни буюк аждодларимизнинг фозил жамият барпо этишга доир миллий фалсафий мероси билан уйғунлаштириш асосида ишларни шакллантириш жараёнига фаол таъсирини таъминлаш учун барча ташкилий ҳуқуқий шарт-шароитлардан тўлақонли фойдаланиш керак.

Ташкилотларнинг маҳаллий Кенгашлари билан биргаликда мунтазам фуқаролар қабулларини ташкил этиш, партия электоратини ўйлантириб келаятган социал-иқтисодий муаммоларни аниқлаш, уларнинг ечимларини топишда муҳим ўрин тутди. Мазкур жараёнда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан яқин ҳамкорликда олиб бориш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, партия мафқураси, гоё ва мақсадлари тарғиботида бағишланган тадбирлар кўламини, уларнинг савиясини ошириш ҳам қўлланган самарани беради.

Ташкилотларнинг маҳаллий Кенгашлари билан биргаликда мунтазам фуқаролар қабулларини ташкил этиш, партия электоратини ўйлантириб келаятган социал-иқтисодий муаммоларни аниқлаш, уларнинг ечимларини топишда муҳим ўрин тутди.

Ташкилотларнинг маҳаллий Кенгашлари билан биргаликда мунтазам фуқаролар қабулларини ташкил этиш, партия электоратини ўйлантириб келаятган социал-иқтисодий муаммоларни аниқлаш, уларнинг ечимларини топишда муҳим ўрин тутди.

Ташкилотларнинг маҳаллий Кенгашлари билан биргаликда мунтазам фуқаролар қабулларини ташкил этиш, партия электоратини ўйлантириб келаятган социал-иқтисодий муаммоларни аниқлаш, уларнинг ечимларини топишда муҳим ўрин тутди.

Ташкилотларнинг маҳаллий Кенгашлари билан биргаликда мунтазам фуқаролар қабулларини ташкил этиш, партия электоратини ўйлантириб келаятган социал-иқтисодий муаммоларни аниқлаш, уларнинг ечимларини топишда муҳим ўрин тутди.

Тайёргарлик ўрганилди

Новий шарида ўқувчи-ёшларнинг «Умид ниҳоллари — 2012» спорт ўйинлари бошланишига соноқли кунлар қолди. Мусобақаларнинг кўнглидаги ўтишини таъминлаш мақсадида аниқ кунларда барча спорт мусасасаларида тайёргарлик ишлари қизин олиб борилаётир. Мазкур жараёнда Ўзбекистон «Адолат» СДП Новий вилоят Кенгаши ҳам фаол иштирок этишга бел боғлаб, мусобақаларни ўтказиш ташкилий қўмитаси билан ҳамкорликда қатор тадбирлар ўтказишни режалаштирган.



Ана шу режа асосида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Матбуот хизмати, вилоят халқ таълими бошқармаси, «Умид ниҳоллари — 2012» спорт мусобақаларини ўтказиш марказий штаби ва Ўзбекистон «Адолат» СДП Новий вилоят Кенгаши матбуот хизмати ҳамкорликда мусобақалар ўтказилиши белгиланган спорт иншоотларидаги тайёргарликни кўздан кечирди.

Шундан сўнг шаҳардаги спорт коллежида жойлашган «Умид ниҳоллари — 2012» спорт мусобақалари марказий штабига Халқ таълими вазирлиги мутахассислари, Республика ОАВнинг вилоятдаги муҳбирлари, вилоят ОАВ вакиллари ва вилоят халқ таълими бошқармаси мутасаддилари иштирокида матбуот конференцияси бўлиб ўтди. Халқ таълими вазирлиги матбуот котиби Жаҳон-



гир Мусаев йиғилганларни спорт мусобақаларини ёритиш учун оммавий ахборот воситалари вакиллари учун яратилган шароитлар билан таништирди. Шунингдек, мусобақаларни кенг ёритишда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан унумли фойдаланиш мақсадида махсус сайт

ташкил этиш, ундан самарали фойдаланиш ҳамда журналистларни аккредитациядан ўтказиш ҳақида ахборот берилди. Анжуманда «Умид ниҳоллари — 2012» ўйинларида спорт майдончалари ва стадионларнинг тайёргарлик даражаси хусусида ҳам маълумот тақдим этилди. Айтиш керакки, ўйинларнинг му-

вафқиятли тарзда ўтиши учун барча шароитлар муҳайё. Масалан, замонавий андозаларда қуриб битказилган кураш мактаби ўйинларга тайёр. Унда бир вақтнинг ўзида тўрт жуфтликнинг беллашувини 200 нафардан ортиқ спорт ишқибози кузатиб бориши мумкин. Иккита машғулотлар хонаси ва қўшимча хизмат хоналари энг сўнгги русумда жиҳозланган. Бу ерда курашнинг миллий ва белбоғли йўналиши бўйича беллашувлари ўтказилади.

«Дельфин» очик сузиш ҳавзаси тўлиқ таъмирланмоқда. Бу ерда жаҳон стандартларига тўлиқ жавоб берувчи саккизта сузиш йўлагидан иборат спорт ҳавзаси бунёд этилаётир. Унинг реконструкцияси учун Новий кон металлургия комбинати томонидан 1 миллиард 712 миллион сўм маблағ ажратилди. Минг нафар тамошабин учун ўриндиқлар ўрнатилди.

«Навоийазот» корхонасига қарашли «Кимёгар» стадиони ҳам қайта таъмирланмоқда. 7000 то-

мошабинга мўлжалланган стадионда спортчилар, матбуот вакиллари учун барча шароитлар яратилган. Бу ерда кўл тўли мусобақаларини ўтказиш учун махсус зал жиҳозланаётир.

«Умид ниҳоллари — 2012» ўйинларининг очилиш маросими ва бошқа тантаналарини ўтказиш учун 11 минг ўринли стадион қуриб битказилди ва пардозлаш ишлари якунланмоқда. Курувчилар томонидан қисқа вақтда бунёд этилган стадион атрофида югуриш йўлакчаларидан ташқари замонавий спорт заллари, қўшимча хизмат хоналари, тиббиёт, санитария, машғулотлар хоналари ҳам барпо этилди.

Хуллас, мусобақаларнинг юксак савияда ўтказилиши учун барча шарт-шароитлар муҳайё. Бахтиёр ТЕМИРОВ, Ўзбекистон «Адолат» СДП Новий вилоят Кенгаши матбуот котиби.

Жараён

Суғурта фаолияти соҳасидаги ҳуқуқий база

янада такомиллаштирилди

Концепция:
устувор вазифалар

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш шароитида суғурта фаолияти субъектларига яратилган қоғозлар туфайли уларнинг иқтисодиётимизни ривожлантиришдаги роли ва ўрни тобора ошиб бормоқда. Зеро, иқтисодиётни янада эркинлаштириш жараёнини тегишли бозор инфратузилмаси, яъни банк-молия тизими, лизинг, аудиторлик, суғурта, инжиниринг ва бошқа тузилмаларни ривожлантиришдан туриб амалга ошириш мумкин эмас.



“Ишонч телефони”га ишонч ортмоқда

нинг “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонуни 27-моддаси иккинчи қисми “Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чет эл суғурта ташкилотлари томонидан суғурта амалга оширилишига йўл қўйилмайди”, деган тахрирда баён этилди.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, мазкур Қонуннинг ижтимоий ҳаётга таътиб этилиши суғурта фаолияти соҳасидаги муносабатлар, жумладан, суғурта ҳамда суғурта фаолиятини, суғурта бозорининг профессионал иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини, суғурта фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилишда махсус ваколатли давлат органининг ваколат доирасини, суғурта бозорининг профессионал иштирокчиларини тузиш ва давлат рўйхатидан ўтказишни, суғурталовчиларнинг ва суғурта брокерларининг фирма номига қўйилаётган талабларни, суғурталовчилар тўлов қобилиятининг қафолатларини, монополистик фаолиятга йўл қўйилмаслигини, ахборот олиш ҳуқуқини, суғурта сирини ва чет эл суғурта ташкилотларининг фаолиятини янада кенгроқ такомиллаштиришга хизмат қилади.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги, “Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги, “Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисида”ги, “Иш бевуқлигининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан амал қилиётганлиги мамлакатимиз суғурта бозорида фаолият юритувчи субъектлар учун ҳуқуқий базанинг етарли даражада шакллантирилганлигидан далолат беради.

Айни пайтда, мамлакатимизда соҳага оид бир қатор қонуности ҳужжатлари ҳам қабул қилинган. Улар жумласига Ўзбекистон Республикаси Президентини ва Вазирлар Маҳкамасининг бир қатор Қарорларини киритиш мумкин.

Айнан юқорида санаб ўтилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар натижасида юртимизда “Ўзбекивест”, “Кафолат”, “Узагросуғурта” ва бошқа кўплаб суғурта компаниялари фаолият юритиб келмоқда.

Мамлакатимизда демокра-

тик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш устувор вазифа бўлиб қолаётган экан, даврнинг ўзи бу борадаги қонунийлик базасини мустаҳкамлаш заруриятини кучайтирмоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда жорий йилнинг 23-24 март кунлари бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ялли мажлисида “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонуни маъқулланди. Мазкур қонун 2012 йилнинг 12 апрелида матбуотда эълон қилинди ва шу кундан қува қилди. Унинг қабул қилиниши натижасида Ўзбекистон Республикасининг “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонунига бир қатор ўзгариш ва қўшимчалар киритилди. Бу орқали, биринчидан, суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари, яъни суғурталовчи, суғурта ҳамда қайта суғурта брокерлари, суғурта агенти, аджастер, актуар ташкилот, суғурта сюрвейери ва ассистант каби суғурта фаолияти субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари доираси янада кенгайтирилди. Унга қўра, су-

ғурта ҳамда қайта суғурта брокерларига қонун ҳужжатларида белгиланган ахборотни махсус ваколатли давлат органининг талабига қўра тақдим этиши; фирма номи, ташкилий-ҳуқуқий шакли ва (ёки) жойлашган ери ўзгарган тақдирда, бу ҳақда махсус ваколатли давлат органини ва суғурталовчиларни хабардор қилиши ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бухгалтерия хисобини юритиши, молиявий, статистика, солиқ хисоботларини ва бошқа хисоботларини тузиши шартлигига оид мажбуриятлар юклатилди.

Шунингдек, суғурта бозорининг яна бир профессионал иштирокчиси аджастернинг ҳуқуқлар доираси кенгайтирилиб, бундан буён аджастер суғурта ҳодисаси рўй беришининг сабаблари ва ҳолатларини, шунингдек, суғурта товони (суғурта пули) миқдорини белгилаш учун зарур бўлган тегишли ахборот ва ҳужжатларни ҳуқуқни муҳофиза қилувчи органлардан, судлардан, тиббиёт, сейсмология, ветеринария, гидрометеорология ташкилотларидан ҳамда бошқа ташкилотлардан белгиланган тартиб-

да сўраш ва олиш ҳуқуқига эга бўлди.

Иккинчидан, махсус ваколатли давлат органи функцияларининг, хусусан, суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этишини назорат қилиш функциясининг бажарилишини таъминлаш мақсадида “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11-моддаси “Қайта суғурта брокерлари, аджастерлар, актуар ташкилотлар, суғурта сюрвейерлари, ассистанслар давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин бир ҳафталик муддатда бу ҳақда махсус ваколатли давлат органини ёзма равишда хабардор қилади”, деган мазмундаги учинчи қисм билан тўлдирилди.

Учинчидан, чет эл суғурта ташкилотларининг фаолиятини назорат қилиш махсус ваколатли давлат органининг ваколат доирасига кирмаслигини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси-

Зафар РУЗИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президентини қурагани
Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти стажчи илмий ходими.

Матбуот конференция

Ўзбекистон миллий матбуот марказида “Ўзбекистонда рақамли телевидениени жорий этиш ҳолати ва истиқболлари” мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Рақамли телевидение истиқболлари

Анжуманда таъкидланганидек, тобора оммалашаётган рақамли телевидение истиқболли соҳалардан бири бўлиб, бугунги кунда мамлакатимизда 12 теледас-тур ўз иштини олиб бормоқда. Жумладан, 7 таси мамлакат ва 5 таси хорижий теледас-турлардир. Хозирда Тошкент шаҳри, Самарқанд, Бухоро, Хоразм, Тошкент, Андижон, Фарғона, Наманган, Қашқадарё вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида истиқомат қилувчи фуқаролар мазкур теледас-турларни бепул томоша қилиш имкониятига эга.

Вазирлар Маҳкамасининг 2010 ва 2011 йилларда бўлиб ўтган мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш яқунлари га бағишланган мажлисида 2015 йилгача республиканинг бутун ҳудудида рақамли телевидениега ўтишни таъминлаш бўйича комплекс дастурни амалга ошириш мумкин аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди.

Мазкур дастур Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан амалга оширилди. Рақамли телевидение Тошкент шаҳрида ҳамда республиканинг барча ҳудудларида босқичма-босқич амалга оширилиши назарда тутилмоқда.

Хозирда рақамли телевидение республиканинг 37,5 фоиз аҳолисини қамраб олади, рақамли телеузатчилар ҳажмида эса умумий ҳисобда 40 та теледас-тур узатилмоқда. Таъкидлаб ўтиш жоизки, МДХ мамлакатлари орасида илк бор Ўзбекистон Миллий телерадиокорпорацияси томонидан киритилган HDTV форматидagi ерусти узатиш телекано-ли — “Uz.HD” фойдаланишга топширилди. Бундан ташқари, HDTV форматидagi 4 та чет эл канални трансляцияси амалга оширилмоқда.



Республикамизда рақамли телевидение тармоғи абонентлари билан самарали иш олиб бориш мақсадида “УзДигитал ТВ” МЧЖ фаолият олиб бормоқда. Бу жамият таъриф сиёсатини ишлаб чиқиш, ускуналарни етказиб бериш ва микрозларга рақамли телевидение хизматларини кўрсатиш билан шуғулланади. Интернет тармоғидан фойдаланувчилар орасида рақамли телевидение хизматларини олиб бориш мақсадида компаниянинг функционал корпоратив сайты ишга туширилди. Ушбу сайт орқали компания ҳақида батафсил маълумотларни олиш мумкин.

Рақамли телетехнологиялар дастур яратувчилари ва телетомошабинлар ўртасидаги бевосита жонли мулоқот воситасига айланиб, нафақат ахборот қабул қилишга, балки унинг шаклланиши, юқори сифатли телевидение трансляцияси, маълумотларни узатиш мақсадида теледас-турлардан фойдаланиш ҳамда телетомошабинларга қўлай вақтда, стационар ва мобил ҳолатда дастурларни томоша қилиш учун имкон яратади.

Инсон шаъни улуг

Огоҳлик

Аёл. У — гўзаллик, эзгулик маъбудаси. Барча хайрли амаллар, инсон умрини безовчи жамики яхшиликлар, олижаноб фазилатлар тўғрисида, энг аввало, аёлдан, ондан сабоқ оламиз. Бинобарин, дунёдаги барча инсоний сифатлар унда мужассам. Бироқ у тўғри йўлдан озиб, шайтоний нафс восвасасига учиб, жиноятга қўл урсачи? Жиноятчи, одам савдоси деб аталмиш, бугун бутун дунё жамоатчилигини ташвишу ховотирга солаётган мудҳиш жиноят.

Халқимизда “Кўр ҳассасини бир марта йўқотди”, деган нақл бор. Аммо бу ҳикматга оҳангаронлик Расима Алшайева ҳечам амал қилмади. Қалб кўзи басир экани, бир эмас, бир неча бор “ҳассасини йўқотди”, умр йўлларида адашди. Ававалига Қўйичирчиқ туман судининг 23 март 1998 йилдаги ҳукмига қўра Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 169-моддаси 4-қисми “а” банди билан айбдор деб топилиб, 8 йил муддатга озоликдан маҳрум қилинди. Кейинчалик, 2000 йилда Бўстонлиқ туман суди томонидан чиқарилган ҳукмига асосан 6 йил 6 ойлик умрини панжара ортида ўтказадиган бўлди. Ҳар иккала ҳолатда Президентимизнинг Амнистия тўғрисидаги Фармонларига мувофиқ жазодан озод қилинди, аёллиги, она эканлиги инобатга олиниб кечирилди. Аммо афсуски, у бундан тўғри хулоса чиқармади. Енгил-елли ҳаёт кечиргани, “бели оғримай” мўмай пул топишни ўзига эл қўрди. Ва шу аснода жиний шериклари билан кечирилмас, оғир жиноятни содир этди.

Чет элда ишлаш эвазига қатта миқдорда ойлик маош ваъда қилиш, алдов, фибри... Булар — Расима ва унинг ҳамтовоғи, Охангарон шаҳрида истиқомат қилувчи Гулнора Истибаеванинг ўз кингир ишларини амалга оширишдаги асосий воситалари. Албатта, улар алдов ва фибрибарликни қаерда, қилларга нисбатан ишлатишни яхши билишган. Шу боис, энг аввал вояга етма-



ганлар қизлар — К.Жўраева ва З.Султонова (исм-шарифлар ўзгартirilган — муаллиф.)ларни ўз тузоқларига туширишди. “Қозогистоннинг Қарағанда вилояти Балхаш қўрғонига жойлашган ошхонада офидантка бўлиб ишлайсизлар, ойига 400 доллар маош оласизлар”, дея уларга тоғ-тоғ ваъда беришди, ўргилиб-айланмишди. Еши ҳали ўн еттига ҳам тўлмаган, ҳаётнинг паст-баландидан беҳабар қизлар маккора аёлларнинг бу алдоеига чиппа-чип ишондилар. Аслида эса, Расима билан Гулноранинг нияти тубан эди. Икки ёш қизни қўшни республикадаги ҳамтовоқларига сотиб юборишни, шунинг орқасидан пул ишлаб олишни кўзлагандилар.

Хуллас, Расима ва Гулнора тергов давомида аниқлашнинг имкони бўлмаган шахслар ёрдамида қизларни Қозогистон ҳудудига айланма йўللар орқали

ўтказиб юбордилар. Манзилга етиб боришга эса, қизлар алданганларини тушуниб етишди. Хайриятки, яхшиларнинг қўмағи билан бир амаллаб ўз юртиларига қайтиб келишди.

Шунга қарамай, жиноятчилар қилмишларини ҳеч хавотир олмади, тал тортмай давом эттиришди. Бу гал тумандаги “Эйвалек” қўрғонига яшовчи фуқаро — 1989 йилда туғилган Р.Ризеугдинова ва 1990 йилда туғилган В.Азизова уларнинг нишонига айланди. Қарағки, уларга фоҳишалик билан шуғулланиш эвазига 400 доллар ва яхшигина “чой пули” очикдан-очик айтилди. Бундан ташқари, шу ерда яшовчи 1963 йилда туғилган фуқаро М.Худойбердиевага ошпазлик қилиш учун 300 доллар иш ҳақи ваъда қилинди...

Ёмонликнинг, тубанликнинг умри қисқа. Дарҳақиқат, эзгулик ёмонлик устидан доимо зафар кўчиб келган. Бу сафар ҳам шундай бўлди: М.Худойбердиева, Р.Ризеугдинова ва В.Азизованинг хушёрлиги, оқилона ҳаракати ҳамда хуқуқ-тартиб ҳодимлари савй-ҳаракати туфайли жиноятчиларнинг қилмишларига чек қўйилди. Энг муҳими, улар томонидан келгусида амалга оширилиши мумкин бўлган қингир ишларнинг олди олинди.

Жиноят жазосиз қолмайди. Расима Алшайева ва Гулнора Истибаевалар суд ҳукмига қўра тегишли равишда турли муддатларга озоликдан маҳрум этилди. Энди уларнинг оила аъзолари, фарзандлари, яқинларининг ҳам бошлари эгик, ўйланмай қилинган мудҳиш жиноят сабабли қалблари озурда. Негаки, инсон учун, айниқса, аёл, она учун ўз шаъни, обрўсига етган инсондан ортиқ жазо йўқ бу дунёда. Шундай экан инсон деган номни доимо улуғланг азизлар!

Абдураим АБДУНАБИЕВ,
Охангарон туман прокурори,
аллия маслаҳатчиси,
Давур ЖОЗИЛОВ,
“Adolat” мухбири.

Сирдарё вилояти божхона бошқармасининг ишонч телефони кўнгирак бўлди. Кўнгирак қилган хушёр юрдошимиз айрим кимсалар томонидан йирик миқдордаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари қингир йўллари билан четга олиб чиқиб кетилаётганини билдирди. Божхона тезкор гуруҳи ходимлари тегишли идоралар вакиллари билан Сирдарё вилояти Ховос туманида истиқомат қилувчи фуқаро Э.Тошпулатнинг хонадонини амалдаги тартибларга мувофиқ зудликда кўздан кечиришди. Кўрик натижасида, ишонч телефони орқали берилган хабар ўз тасдиғини топди: хонадонда Тожикистон Республикасига олиб чиқишга мўлжалланган 5 тонна пиёз қонунга хилоф равишда сақланаётганлиги фош қилинди.

Бу Давлат божхона қўмитаси томонидан божхона қандабузарликларини аниқлаш ва олдини олиш, божхона органлари ходимларининг қонунга хилоф хатти-ҳаракатларига ва хизмат вазифасини суистеъмол қилишларига йўл қўймаслик, сансапорлик, контрабанда ва коррупцияга қарши курашиш мақсадида 2010 йилнинг бошида ташкил этилган “Ишонч телефонлари” хизматининг дастлабки самараларидан бири эди. Кейинчалик, “Ишонч телефонлари”нинг бир қатор марказий ва маҳаллий оммавий ахборот воситаларида мунтазам эълон қилиб борилиши, қўмитанин расмий www.customs.uz.veb-saitida эса алоҳида “Ишонч телефонлари” рункининг очилиши, шунингдек, “Ишонч телефонлари” бўйича эълонларнинг Давлат божхона қўмитасининг барча таркибий тузилмаларидаги мавжуд фуқароларни қабул қилиш хоналарига кўрсатилган тарзда жойлаштирилиши мазкур хизмат самарадорлигини янада оширди.

Қолаверса, Давлат божхона қўмитаси ва унинг таркибий тузилмалари томонидан ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари ва жамоатчилик вакиллари учун ташқи қилинаётган барча учрашув ва давра суҳбатларида мазкур йўналишда кенг қўламада тушунтириш ишлари олиб боришмоқда. Табиийки, ишонч телефонларнинг доимий фаолият юритиши, мурожаатлар эгалари анонимлигининг қафолатланиши ҳақида ҳам ахборотлар бериб борилади. Рақамларга мурожаат қилсак, бу каби тадбирлар 2011 йилда 1212 мартаба, жорий йилнинг дастлабки чорағида эса 374 мартаба ташкил қилинди.

Таъкидлаш жоизки, Давлат божхона қўмитасининг барча “Ишонч телефонлари” узлуksиз равишда кечю кундуз фаолият юритади. Ҳўш, мазкур хизмат фаолияти қай тарзда йўлга қўйиларди?

Дастлаб ишонч телефонига кўнгирак қилган фуқаро ва кўнгирак қилган фуқаро божхона органининг масъул ходими бир-бирларига ўзларини таништиришди. Шундан сўнг, фуқаро ўз мурожаатини аниқ ва батафсил тарзда тушунтириб беради. “Ишонч телефонлари” орқали ДБК ва худудий бошқармаларнинг навбатчилик қисмига келиб тушган хабар, ариза ва шикоятлар, тақлиф ва мулоҳазалар махсус қитобларда рўйхатга олинди ҳамда раҳбариятга тақдим этилади. Раҳбарият эса зудлик билан мурожаатларни ўрганиш ва амалий чоралар кўриш учун тегишли бошқарма ва бўлиmlарга кўрсатма беради. Барча мурожаатлар қонунда кўрсатилган муддатларда кўриб чиқилади.

Мурожаат орқали хабар қилинган божхона қандабузарликлари ўз тасдиғини топса, қонунбузарликларига нисбатан амалдаги тартибларга қўра қил чоралар кўрилади. Божхона органлари ходимларининг қонунга хилоф ҳаракат-

лари юзасидан берилган хабарлар асосли деб топишган тақдирда, табиийки, уларга нисбатан ҳам чоралар кўрилади. Зеро, қонун барчага баробар. Масалан, шу пайтга қадар “Ишонч телефонлари” орқали келиб тушган хабарлар асосида, қонунбузилишларига йўл қўйган 4 нафар божхона ходимлари ҳам интизомий жавобгарликка тортилди.

Рақамларга мурожаат қилсак, 2010 йилнинг бошидан ҳозирги даврга қадар божхона органлари “Ишонч телефонлари”га фуқароларимиз томонидан 102 та мурожаатлар келиб тушган. Қўйидаги мисоллар мурожаатларга нисбатан ўз вақтида чора-тадбирлар кўриб борилаётганлигидан далолат беради.

Тошкент шаҳар божхона бошқармасидаги “Ишонч телефони” орқали берилган аноним хабарга қўра, божхоначилар томонидан божқа ҳуқуқни муҳофиза қилувчи идоралар вакиллари билан ҳамкорликда пойтахтимизнинг Ҳамза туманида истиқомат қилувчи фуқаро С.Виталийнинг хонадони амалдаги тартибларга мувофиқ кўздан кечирилганда, бу ерда 8 минг дондан ортиқ турли товар-моддий бойликлар қонунга хилоф равишда сақланаётганлиги фош қилинди. Аниқлаштирилди, муқаддам ноқонуний йўлар билан олиб кирилган ва божхона расмийлаштирувини тасдиқловчи ҳужжатлари бўлмаган мазкур товарларнинг умумий қиймати 17 млн. сўми ташкил қилар экан.

Сирдарё вилоятида эса пахта ёғи ишлаб чиқариладиган яширин цехнинг фош этилишига бевосита “Ишонч телефонлари” сабабчи бўлди. Олинган хабар асосида Боевут туманида хонадонини яширин цехга айлантирган фуқаро М.Абдумуминнинг ҳовлисида кўп миқдордаги чигит, ёғ ишлаб чиқаришга мўлжалланган қўлабола ускуналар, елим идишларнинг қопқоғини ёпишга хизмат қилувчи асбоб ва бошқа жиҳозлар борлиги фош қилинди.

“Ишонч телефонига кўнгирак қилган яна бир юрдошимизнинг хабарини ҳам ўз тасдиғини топди. Амалдаги тартиблар асосида Ховос туманида истиқомат қилувчи фуқаро И.Раҳимжоннинг хонадонини кўздан кечирилганда эса, бу ерда қўшни давлатдан айланма йўлар билан қонунга хилоф равишда ҳам ахборотлар бериб борилади. Рақамларга мурожаат қилсак, бу каби тадбирлар 2011 йилда 1212 мартаба, жорий йилнинг дастлабки чорағида эса 374 мартаба ташкил қилинди.

Шу туманда истиқомат қилувчи фуқаро А.Раҳимжон хонадонига эса қўшни давлатга олиб чиқиб учин мўлжалланган 5 тонна гуручининг ноқонуний тарзда сақланаётганлигини аниқлашда ҳам божхоначиларга “Ишонч телефонлари” ёрдам берди.

Саноатда муҳим ҳисобланувчи рангли ва қўра металл чиқиндиларининг талон-тарож қилинишига йўл қўймаслик борасида “Ишонч телефонлари” ҳам ўзига хос қўмақчи айлиниб бормоқда. Сирдарё вилоятида фуқаро А.Асемнинг хонадонини божхоначилар ва бошқа ҳуқуқни муҳофиза қилувчи идоралар ходимлари билан ҳамкорликда амалдаги тартиблар асосида кўздан кечирилганда, бу ерда 500 кг. рангли металл чиқиндилари қонунга хилоф равишда сақланаётганлиги фош қилинди. Аниқлаштирилди, бу юклар фуқаро К.Эрболга тегишли бўлиб, мўмай даромад илчиқида қўшни давлатга олиб чиқиш учун кўзланган экан.

Хулоса ўрнида айтмоқчимизки, “Ишонч телефонлари” божхона органлари ва жамоатчилик ўртасида алоқаларнинг мустаҳкамла-нишида ҳамда ҳамкорликнинг қучайишида тобора ишончли, қўлай ва тезкор усулга айлиниб бормоқда.

ИШОНЧ ТЕЛЕФОНЛАРИ		
№	Таркибий тузилмалар	Телефон рақамлари
1	Давлат божхона қўмитаси Марказий аппарати	(8371) 120-76-33
2	Қорақалпоғистон Республикаси	(8 361) 224-02-68
3	Андижон вилояти	(8 374) 224-28-27
4	Бухоро вилояти	(8 365) 770-06-30
5	Жиззах вилояти	(8 372) 223-31-63
6	Қашқадарё вилояти	(8 375) 221-05-01
7	Навоий вилояти	(8 436) 223-08-65
8	Наманган вилояти	(8 369) 223-33-01
9	Самарқанд вилояти	(8 366) 234-39-57
10	Сирдарё вилояти	(8 367) 227-89-45
11	Сурхондарё вилояти	(8 376) 225-13-51
12	Тошкент вилояти	(8 371) 120-86-10
13	Тошкент шаҳри	(8 371) 120-76-76
14	Фарғона вилояти	(8 373) 224-72-38
15	Хоразм вилояти	(8 362) 226-93-61
16	“Тошкент-Аэро” ИБК	(8 371)120-86-30

Давлат божхона қўмитаси матбуот қизмати.



«Асака» банк — тадбиркорнинг ишончли молиявий кўмакчиси


Республикамиз раҳбарияти томонидан ёш авлодни замон талабларига мос равишда юксак маънавиятли этиб тарбиялаш, уларнинг етарли билим олишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиб бериш масалаларига алоҳида аҳамият берилмоқда, бу борада жаҳон стандартлари даражасида кўламли имкониятлар яратилмоқда. Биз ҳам яратилган қўлай имкониятлардан фойдаланган ҳолда, ўсиб келаётган авлодга юқори билим ва тарбия бериш мақсадида кўлабгина таълим муассасасини ташкил қилдик. Ҳозирги кунда таълим муассасамизда 100 нафарга яқин бола тарбияланиб, юқори сифатли таълим-тарбия олмақда.

порт филиалига мурожаат этдик. Банкнинг малакали мутахассислари ариза-мизни қисқа муддатда кўриб чиқиб, кредит ажратиш бўйича қарор қабул қилдилар. «Асака» банкнинг кўлаб-қувватлаши натижасида фаолиятимизни кенгайтиришга муваффақ бўлдик. Ҳозирги кунда таълим муассасамиз бўлимларини Тошкент шаҳрининг турли жойларида ташкил қилинди, уларнинг барчасида ёш авлод вакиллари малакали, сифатли таълим-тарбия олмақдалар.

Таълим муассасамиз фаолиятини янада кенгайтириш мақсадида янги бино олиш учун бизда қўшимча молиявий маблағларга зарурият туғилди. Ўз режамизни амалга ошириш мақсадида «Асака» банкнинг Автотранс-

сифатли хизматлардан, айниқса, миқозларга бўлган самимий муносабатларидан қувонмаслиги мумкин эмас. «Мижоз банк учун эмас, банк миқоз учун» шиори айнан ушбу банк ходимлари учун айтилганидек.

Дилфуза ИСАМУХАМЕДОВА,
«Bek-Kichkintoy» МЧЖ раҳбари.



барча соҳаларда залворли кўрсаткичларга эришилмоқда

“Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чўқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мавзусида мазкур алоҳида таъкидланганидек, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида мамлакатимиз молия-банк тизимининг барқарор ва ишончли эканини исботлади. Албатта, бу жараёнда “Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБнинг ўзига яраша ҳиссаси бўлди.

Эришилган муваффақиятлар билан чекланиб қолмаган ҳолда, «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ ўз фаолиятини замон ва миқозлар талабига мос равишда янада кучайтиришга, кўрсатилаётган хизматлар тури ва сифатини оширишга ҳаракат қилмоқда.

Жорий йилнинг биринчи чорагида эришилган натижалар эса банкнинг катта меҳнат жамоаси томонидан амалга оширилаётган бундай эзгу саъй-ҳаракатлар ўзининг қўлланганини кўрсатмоқда.

Жумладан, кичик бизнес субъектларига 2012 йил давомида 343,069 миллиард сўм миқдорда кредит маблағлари ажратиш мўлжалланган бўлса, жорий йилнинг 1 апрель ҳолатига 84,250 миллиард сўм миқдорда кредит маблағлари ажратилди ва бу борадаги режа 103 фоизга бажарилди. Ажратилган кредитларнинг 1,727 та ишчи ўринлари яратилди.

Шунингдек, кичик бизнес субъектларига 2012 йилда 34,2 миллиард сўм миқдорда микрокредит маблағлари ажратиш

прогнози белгилангани. Жорий йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра бу борадаги кўрсаткич 9,973 миллиард сўмни ташкил этди. Бу эса режа 115 фоизга бажарилди. Ажратилган микрокредитлар ҳисобига 471 та ишчи ўринлари яратилганлиги эса, шубҳасиз, ҳаммамизни мамнун этади.

Албатта, булар ҳали ҳаммаси эмас. Имтиёзли кредитлаш махсус жамғармаси маблағлари ҳисобидан кичик бизнес субъектларига 2012 йилда 6,9 миллиард сўм миқдорда кредит маблағлари ажратиш белгиланган бўлиб, йилнинг биринчи чорагида кичик бизнес субъектларининг 1,143 миллиард сўмлик лойиҳалари молиялаштирилиб, бу борадаги режа 114 фоизга адо этилди. Ажратилган имтиёзли кредитларнинг 0,505 миллиард сўми олис ва бориш қийин бўлган ҳамда меҳнат ресурслари ортқиқа бўлган туманларга тўғри келади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзқўват товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдирishга доир қўшимча чоратadbирлар тўғрисида»ги 2009 йил 26 январдаги Қарори ижроси бўйича 2012 йилда озик-овқат товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришга 62,0 миллиард сўм миқдорда кредит маблағлари ажратиш белгиланган бўлса, дастлабки уч ойдаёқ бу соҳага 15,923 миллиард сўм миқдорда кредит маблағлари ажратилди ва режа 103 фоиз адо этили.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мамлакатимизда ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришни рағбатлантиришга доир қўшимча чоратadbирлар тўғрисида»ги Қарори ижроси бўйича 2012 йилда ноозик-овқат товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришга 71,0 миллиард сўм миқдорда кредит маблағлари

ри ажратиш белгиланган. Жорий йилнинг биринчи чорагида мазкур йўналиш бўйича 18,935 миллиард сўм миқдорда кредит маблағлари ажратилиб, режа 121 фоизга бажарилди.

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш бўйича эса жорий йилда 31,2 миллиард сўм миқдорда кредит маблағлари ажратиш режаси бор. Бу соҳада ҳам йилнинг дастлабки чорагининг ўзидаяқ 7,948 миллиард сўм миқдорда кредит маблағлари ажратилиб, режа 12 фоизга адо этилди.

Касб-хунар коллежлари битирувчиларининг тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш бўйича «Мустақам оила йили»да 1,628 миллиард сўм миқдорда кредит маблағлари ажратиш белгиланган бўлиб, жорий йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра мазкур соҳага 0,421 миллиард сўм миқдорда кредит маблағлари ажратилди, бу эса режа 153 фоизга адо этилганини кўрсатмоқда.

Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича жорий йил давомида 3,031 миллиард сўм миқдорда кредит маблағлари ажратиш белгиланган бўлса, дастлабки уч ойдаёқ бу борада 0,677 миллиард сўм миқдорда кредит маблағлари ажратилиб, режа 137 фоизга бажарилди.

Банк матбуот хизмати.

“Ўзстандарт” агентлиги: сифат ва самара

Бошқарув илми

Мамлакатимизда бугунги кун талабларига жавоб берадиган, рақобатбардош иқтисодий ёрдам беришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Мамлакатимизда бугунги кун талабларига жавоб берадиган, рақобатбардош иқтисодий ёрдам беришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Мамлакатимизда бугунги кун талабларига жавоб берадиган, рақобатбардош иқтисодий ёрдам беришга алоҳида аҳамият берилмоқда.

роти ва текширувини олиб боради, халқаро ташкилотлар фаолиятида иштирок этади ва уларнинг меъёрий ҳужжатларини республикада амалиётга киритиш қўлағини ишлаб чиқариш, профессионал кадрлар тайёрлашда бевосита иштирок этади.

Ҳозирги янги тарихий давр талабларидан келиб чиққан ҳолда кадрлар олдига қўйилаётган талаблар қўйиладиганлардан иборат: биринчидан, касб чўққисига эришиш — бунда мутахассис танлаган ихтисоси бўйича ўз касбини пухта, пишиқ, чўққур билиши, илм-фаннинг назарий асосларини бевосита ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-маънавий жараёнларга татбиқ эта оладиган кўник-малакага эга бўлиши зарур. Иккинчи талаб — юқори малакали кадрлар пухта ишбилармонлик, омилкорлик, тадбиркорлик, ташкилотчилик, кишилар билан тил топа олиш каби хислатларни ўзига сингдирган бўлиши лозим. Учинчи талаб — кадрлар халқ хўжалигини бошқаришда катта самара берувчи усул ва воситаларни жорий эта билиш қобилиятларига ҳам эга бўлишлари лозим. Ҳинтойда ишлаб чиқарувчилардан ўз товарларига ҳам муносабатларини жалб қилинган. Агар товар қўйилган талабларга жавоб бермас, жазо қўлланилар эди. Сифат масалаларига аҳамият кучайиш даври XIX асрдан бошланади. Бу даврдан ишлаб чиқарувчилар ўз товарларига муҳр босар ва бундан ўта фахрланар эдилар.

Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида стандартлаштириш бўйича ишларни ташкил этиш тўғрисида”ги қарори билан миллий стандартлаштириш давлат тизимининг асосий принциплари белгилаб берилди. 1993 йил 23 декабрда “Стандартлаштириш тўғрисида”, “Метрология тўғрисида” ҳамда “Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида”ги Қонунларнинг қабул қилиниши билан соҳанинг ҳужукий негизлари мустақамланди. Утган давр ичида мамлакатимизда маҳсулотлар, хизматларнинг сифати ва рақобатбардошлигини таъминлашга қаратилган тизимлар ва уларни бошқаришнинг миллий моделлари яратилди.

Ана шу талаблар асосида “Ўзстандарт” агентлиги тизимида стандартлаштириш, метрология, аккредитация, синов ва сертификатлаштириш ҳамда бошқа асосий фаолият йўналишлари бўйича кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича махсус дастур қабул қилинган. Кадрларни ишга қабул қилиш, уларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёр-

лаш борасида ягона тартиб ўрнатилган. Ушбу дастур олий техник ва ўрта махсус ўқув юрталарини битирган ёш мутахассисларни танлаш, «Ўзстандарт» агентлиги тизими идораларига ишга қабул қилиш, уларнинг қобилият ва имкониятларини ҳисобга олган ҳолда барча даражали мутахассис лавозимларида мақсадга мувофиқ фойдаланишни ташкил этиш, агентлик идораларини етук, маънавий юксак, ўз ишини билладиган ва ўзининг фикрида тура оладиган, касбига садоқатли, ҳаёлот, виждонли ходимлар билан таъминлашни белгилайди. Агентликда кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш, малакасига мос равишда тўғри фойдаланиш мақсадида махсус Комиссия ишлайди.

Агентликда “устоз — шогирд” аънаванаси амалиётга киритилган. Бошқарув кадрлари тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ва меҳнат самарасини ортиқчи равишда олиб берилишини таъминлаш, тизимга ёш, истиқболли кадрларни жалб қилиш мақсадида Тошкент Давлат техника университети, Иқтисодиёт университети, Тўқимачилик ва ёнглиқ санаят институти, Тошкент ахборот технологиялари университети билан кадрлар тайёрлаш бўйича шартномалар тузилган бўлиб, ушбу олий ўқув юрталарининг талабалари агентлик тизимидаги корхоналарда амалиёт курсларини ўтайдилар. Ушбу амалиёт жараёнида ўзини ҳар томонлама истиқболли сифатида кўрсатган талабалар кейинчалик агентлик тизимига ишга тақлиф қилинади.

Ҳақимжон ҚУРЕЗОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тинловчиси.



Жиддий ва доимий эътиборга даъват

“Ўқиб билим оламан, касб-хунар эгаллайман” — деган ёшлар учун эндиликда барча шарт-шароит мўҳайё, — деди суҳбатимиз асосида Қўшраббот санаят ва сервис касб-хунар коллежи директори Карим Бекқулов. — 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишлари бағишланган Возирлар Маҳкамасининг шу йил 19 январда ўтган мажлисида коллеж битирувчиларини ишга жойлаштириш ҳамда коллежкорхона муносабатларини рағбатлантириш масаласи яна бир бор жонқуярлик билан тилга олинди. Бу жонқуярлик фарзандларимизнинг жамиятда муносиб ўринларини топишлари учун барчамизда бўлган даъват, албатта...

Дарвоқе, даъват бугунги глобаллашув даврида жуда катта моҳият касб этади. Айниқса, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида айрим мамлакатлар таназзулдан қутқилиш ёки унинг асоратларини юмшатиш мақсадида ижтимоий соҳаларга, хусусан, таълим тизимини ривожига йўналтирилган маблағлар ҳажмини қисқартиришга қўл урган пайда, шубҳасиз, мазкур даъват ёшларга бўлган беқиёс ғамхўрликнинг ёрқин намунасидир. Қўшраббот санаят ва сервис касб-хунар коллежи — ана шу олис ва чекка худуд-

пьютер тармоқларини таъмирлаш ва соғлаш бўйича техник каби йўналишларда кичик мутахассислик сирларини ўрганмоқдалар.

— Олдимизда турган муҳим вазифалардан бири, — дейди директор суҳбатимизни давом эттириб, — шу йилдан бошлаб, биз ҳам битирувчи ёшларимизни ҳозирдан аниқ шу ўринларига бириктириш ва амалиётларини Навоий кон металлургия комбинати тасарруфидоги Жанубий кон бошқармасининг Зармитан ҳудудидаги участкаларда самарали ўтишини таъминлаш ҳамда уларни ўз мутахассисликлари бўйича ишга жойлаштиришга эришишдир. Бу борада шу кунларда наинки кон бошқармаси раҳбарияти билан, балки тумандаги бошқа корхоналар ва меҳнат жамоалари билан ҳам ҳамкорликда корхона — коллеж — битирувчилар ўртасидаги уч томонлама шартномалар устида иш-лашялмиз.

Ғулом ХИДИРОВ,
“Adolat” муҳбири.

Фақат тўй ва маърака учун дунёга келганмизми?

Мулоҳаза

Куни кеча телевидение орқали "Таъзиядаги тўй" бодий фильмини яна бир бор намойиш қилишди. Меҳмонлар бор эди, бир уй одам ўтириб, кинони биргаликда томоша қилдик. Тўй-маъракаларимиздаги ортиқча сарф-харажатларга, керакисиз ўдумларга бағишланган картина кўпчиликка маъқул келди. Тўғри, айримлар муаллифларни (сценарий муаллифи Ғофур Шермуҳаммад, саҳналаштирувчи режиссёрлар Мелис Абзалов ва Ҳотам Файзиев) "ошириб юборганлик"да айблашди. Бироқ бу табиий ҳол. Зеро, энг бўш асар — фикр ўйотмаган, баҳсга сабаб бўлмаган, демек шунгай раво кўрилмаган асар.



Тирик жонмиз, ака-ука, дўст-биродар, ҳеш-уруғларимиз бор, бунинг устига яқин-йирқ вилоятларга хизмат сафарига чиқиб турамыз: эшитамиз, кўрамыз, гурунглашамиз. Менинг назаримда, кейинги йилларга келиб миллатдошларимизнинг анчагина қисмининг ташвиш-ўйи, муаммоси тўй ёхуд маъракаи қандай қилиб "эл қатори" ўтказиш бўлиб қолгандек. Айниқса, айрим жойларда маърака сарф-харажатлари тўйникидан ошиб тушаётганлиги ҳам ҳақиқат. Илло, "эл қатори" деб аталган шартли "планка" тобора осмонга кўтарилиб бормоқда, уни ошиб ўтишга унча-бунча одамнинг қурби етмай қоляпти.

"Ўглининг тўйига етти ярим минг... сарф қилган 69 яшар бир чолни кўрдим. Чол тўйга атаб ёстиққа пул тикиб юрган экан, тўйга яқин ўглининг кўлидаги пулларни ҳам қоқиштириб олипти, 200 кило гуруч дамлаш билан тўйни бошлаб юборипти. Қуда томон ҳам, албатта "бир чол"дан қолишмасликка ҳаракат қилганлиги турган гап. Тўй ўтган ҳовлини, янги оиланинг рўзгорини кўрдим. Солинаётган икки уй, бир дахлизнинг усти ёпилмай қолипти. Чол-кампири ўзлари турган ўйишларга бўшатиб бериб, ҳозирча тоқнинг тагида ётиб юришар экан".

Бу иқтибос Абдулла Қаҳҳорнинг 1963 йили ёзилган "Тўйлар муборак..." номли мақоласидан олинди. Қаранг, орадан деярли ярим аср вақт ўтди, ўзбекистон ташвиши эса ҳамон ўша-ўша: рисоладагидай тўй, маърака. Кейин тоқ тагида ётиб юрсаям майли. Асосийси расм-русумларни, урф-одатларни адо этди.

Расм-русумлар, урф-одатлар эса йилдан-йилга энига ва бўйига шишиб-кенгайиб бормоқда.

Албатта, халқимизнинг ҳар бир урф-одатининг келиб чиқиш сабаблари, тарихи ва қоидалари бор. Аммо бу борада суиест-молиқлик баъзан ҳаддан ошиб кетаётганлиги ҳам ҳақиқат. "Таъзиядаги тўй" фильмида Холиқул сартарош исми қаҳрамон ваҳима билан "Бунақанги дабдала таъзияларни кўравериб, ўлишгай кўржи қолди одам", дейди. Ана инсоннинг фожиаси! Сартарош ўлими эмас, ўзидан кейин яқинлари, фарзандлари адо этиши керак бўлган расм-русумларга сарфланадиган пулни ўйлаб ваҳимага тушмоқда. Қаердан топишди улар бунча пулни?.. Бундай ичкиш билан кўзлари юмилган инсоннинг руҳи у дунёда осойиш топармикан?..

Тежамкор самолёт

Ҳиндистонда 90 нафар йўловчига мўлжалланган, авиаёқилғини кам сарфлайдиган ва ҳавога зарарли газларни кам чиқарадиган "NCA-90" самолёти ишлаб чиқарилади.

Мамлакат Илм-фан ва саноат тадқиқотлари бўйича кенгаши раҳбари Судип Кумарнинг айтишича, ушбу ҳаво транспорти соҳага оид энг замонавий электрон техника ва технологиялар билан жиҳозланади.



Хабарларга қараганда, ушбу самолётни лойиҳалаштириш ва куриш учун 871 миллион АҚШ доллари, уни ялпи

ишлаб чиқариш учун эса 640 миллион доллар миқдорига маблағ сарфланади.

Аммо ўша замонларда ҳам халқимизнинг зиёлилари, куйинчак фуқаролари бундай ортиқча сарф-харажатларга, исрофгарчиликларга қарши кураш олиб боришган. Кўпчилигимиз Абдулла Авлонийнинг "Диққатман" шеърини ўқиганмиз, албатта. Шеърда мана бу мисралар ҳам ёдимизда: *Агар етти ерда тўй бўлса, ошини тушургайлар, Тўй қорни, кекуруб, кўп керишганига диққатман. Маъриф, илм йўлига, тийинни кўзлари қиймас, Баъзда бачага сўмлар Беришқонига диққатман...*

Алихон Тўра Соғунийнинг хикматли гапи ҳам кўпчиликнинг ёдида бордир: "Ўзбек халқи эрталабки ошга уюшганидек кунлик ҳаётда жамоат ҳам бўлганида эди, ҳеч вақт ҳеч кимга қарам бўлмаган бўлур эди". Махмудхўжа Бехбудий эса "Бизни кемирғувчи иллатлар" номли мақоласида куйинчи ёзган эди: "Биз — туркистонийларни шаҳри ва киш-лоғи ёнқи ярим маданий, ярим ваҳий синфларимизгача истило этиб, бугун тирикчилигимизга сорилган ва бизни инқирозга ва таҳликага ва жаҳаннамга юмалататўрган тўй, аз о исмидаги икки қаттол душманни дерман".

Дилбар шоира Нозимахоним 1914 йили "Минг таассуф" деб аталган шеър ёзган. Шу шеърнинг саккиз қаторини эслайлик: *Хар маҳалла ичида тўрт самовар, Неча нодон чиқиб кимор ўйнар, Баъзиси маст эшак каби хангарар, Холимизни кўриб қулар агёр, Дилки миллат гамида қон ўлди, Кори беҳудалар аён ўлди, Килди бойлар тараққатиб тўйлар, Қазини қарта қўюб, сўюб қўйлар, Буни мадҳ этдилар гаразгўйлар, Тўй қилганлар фақирни кам ўйлар, Дилки миллат гамида қон ўлди, Ранги рўйим кўюб самон ўлди...*

Ўзбекистоннинг шунча сарф-харажатларига қарамасдан, тўй-маъракалардаги сарф-харажатлар ошса ошавердик, асло камаймади.

Ўтган асрнинг олтинчи йиллари келиб эса келин-куёв столга чиқиб ўтирадиган, отарчилар хониш қилиб турадиган, энг ёмон томони — ароқ дарё бўлиб оқаётган "комсомол тўйлари" урф бўла бошлади.

Таассуфлар бўлсинким, ҳозирги кунда ҳам бу иллат барҳам топмади. Кўплаб тўйларимиз икки томчи сувдек бир-бирига ўхшаб бормоқда. Бақирок отарчилар, уятсиз раққослар ҳам бир хил.

Ахир аслини олганда серхаражат тўй фарзандлар ризқини осмонга сочиш, шамолга сориш билан баробар эмасми? Таниқли ёзувчимиз Тоҳир Малик ёзади: "Ислоҳ кўрсатмаси бўйича, одам, энг аввало, ўз оиласини таъминлаши керак. Эҳсон ҳам, ҳақсия ҳам биринчи галда ўз фарзандлари ёки ота-онасига бўлиши шарт. Ота-онасини яхши парвариш қилиш, фарзандларини яхши едириб, кийинтириб, едириб, яхши ўқитиб... ундан орттирса, бошқаларни сийлаши мумкин. Фарзандлар ризқини қийиб, ўзгаларни тўйдиршини дин буюрмайди".

Тўйлар-ку, тўйлар экан, кейинги пайтлар марҳумга атаб ўтказилаётган турли маросимлар ҳам тўйлардан қолишмаётганлиги кишини изтиробга солади. Қайсидир пулдор отаси ёки онасига атаб улкан маърака ўтказар экан, бу одам савобнинг тагида қолди деб хулоса чиқаришга шошилмаган афзалроқ. Отаси ёки онасининг руҳи покига атаб

икки юз кило ош дамлаган бойвачча уларнинг қадрларидан хабар олиб турибдими, тонгда бориб, марҳум ёнқи марҳумга атаб чин дилдан бир кафт дуо ўқияптими? Тириклигида уларнинг қадрига етганмиди?..

Балки кимдир: "Тўй ёки маъракаи қандай ўтказиш ҳар кимнинг ўз иши. Қийналса унинг ўзи қийналади, ўзига жабр, сизга нима?" демоқчи бўлаётгандир. Аслида эса масала биз ўйлагандан кўра чуқурроқ. Тўй-маъракалардаги исрофгарчилик жамият тараққиётига, фуқаролар маънавиятига, тарбиясига салбий таъсир ўтказмайдими? "Хар кимнинг ўз иши" деймиз-у, аммо қовун қовунни кўриб ранг олади-да. Беш қўл баробар эмас. Кимнингдир улкан тўй қилиши, дейлик, унга қўшни яшайдиган камхаржроқ оилаларнинг дилини огритади. Масаланинг яна бир ёмон томони, бундай тўй-маъракалар "Мен сендан камми" мусобақасини авж олдиради.

Инсон табиатан комиллик сари интилади. Инсон ўзини, ўзалигини намоян этишга уринади. Аммо баъзи ҳолларда ортиқча расм-русумлар, урф-одатлар бу жараёнда халқат беради, тушов вазифасини ўтайди.


"Таъзиядаги тўй" фильмида айрим маҳаллаларда пайдо бўлган, ҳар ерда ҳозир но-зир "фаол"лар ҳам кўрсатилган. Бунақалар ҳамма жойда учрайди. Улар китоб-журнал ўқимасликлари, телевизор томоша қилмасликлари мумкин, аммо фалон маҳаллада бўладиган тўй ёки маъраканинг исини сезишга бас, дарҳол ўша ерда ҳозир но-зир бўлишчи, раҳбарликни, ташкилотчиликни зиммаларига олишди, тўй эгалари ёки азадорларга ақл ўргатишди, расм-русумлар адо этилишини таллаб қилишди. Улар шу билан тирик. Улар шуни ҳаётларининг мазмуни деб билишди, бошқа иш ҳам қилишмади. Бунақалар абадий: аввал ҳам бўлишган, ҳозир ҳам бор ва бундан кейин ҳам бўлишди.

Ниҳоят каминани ушбу мақолани ёзишга ундаган яна бир сабаб ҳақида. Ҳабибулло Абдулмажид исми асли касби ҳисобчилик, аммо ижодни яхши кўрадиган, ўзи ҳам сермазмун мақолалар ёзиб турадиган бир танишчим бор. Бир мuddат бурун у киши қудалари билан келишган ҳолда камтарона, аммо жуда чиroyли тўй ўтказди. Ҳақиқий тўй. Ўзбекона тўй. Ортиқча чиким-сиз, ортиқча дабдбасиз, исрофгарчиликсиз. Фикримча, "Таъзиядаги тўй" фильми айнан Ҳабибулло акага ўхшаш инсонлар кўпайишига хизмат қилиши билан ҳам қадрли. Ай-тайлик, картинани телевизор орқали кўрган ўн миллион томошабининг ҳеч бўлмаса бир миллиони "Таъзиядаги тўй" фақат энгил кулги учун эмас, мушоҳада учун, мулоҳаза учун, таҳлил учун эканлигини англаб етишса, ўзлари учун катта-кичикми хулоса чиқариб ола билишса фильм ижодкорлари ўз мақсадларига етган бўлишди...

Назаримда "Таъзиядаги тўй" фильми ижодкорлари юртдошларимизга қарата: "Азизлар, кўзларингни очинглар. Инсон фақат тўй-маърака билан тирик эмас!" деб хитоб қилишаётгандай.

Бу хитоб эса бизнинг ҳар биримизга ва ҳаммамизга тегишли.

Абдуқамол ЙЎЛДОШЕВ.



www.adolat.uz сайти саҳифаларида:

- "Онлайн депутат" лойиҳасининг навбатдаги қаҳрамони — Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси аъзоси, партия Марказий тафтиш комиссияси раиси, иқтисодчи, банк соҳаси бўйича тажрибали мутахассис Умид Жуманиёзов сизларнинг савол, фикр-мулоҳаза ва муножаатларингизни кутмоқда!
- Ўз округингиздан сайланган депутатни биласизми? "Маҳаллий Кенгаш депутатлари" бўлимида партиянинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан сайланган Халқ депутатлари маҳаллий Кенгаш депутатларимиз ҳақида маълумот олиб, улар билан алоқага чиқишингиз мумкин.
- "Адолат" кутубхонаси саҳифасида партиянинг Тошкент вилояти Кенгаши раиси Камолжон Шодиметов муаллифлигидаги "Муқобил энергия турлари — ҳаётга" номли китобни бепул кўчириб олиш имконияти — фақат сиз учун!

Фаол ёшлар акцияси — Наманганда

2012 йил — Мустақкам оила йили

"Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази ва "Аёллар кенгаши" жамоат бирлашмаси томонидан ташкил этилган "Биз — бир жамоа, биз — бир оила" акцияси Наманган вилояти ёшларининг ижтимоий фаоллиги, интеллектуал ва ижодий салоҳиятини юксалтириш, уларни ёт гою ва таъсирлардан осрош ҳамда ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, олий ва ўрта махсус таълим муассасалари битирувчиларини иш билан таъминлаш каби эзгу мақсадларга хизмат қилоди.



"Мустақкам оила йили" Давлат дастурида белгиланган вазифаларни ўзида акс эттирган лойиҳанинг асосий тadbирлари оралиқ бўлиб турган ўн миллион томошабининг ҳеч бўлмаса бир миллиони "Таъзиядаги тўй" фақат энгил кулги учун эмас, мушоҳада учун, мулоҳаза учун, таҳлил учун эканлигини англаб етишса, ўзлари учун катта-кичикми хулоса чиқариб ола билишса фильм ижодкорлари ўз мақсадларига етган бўлишди...

ортиқ корхона ва ташкилотлар томонидан тақлиф этилган бўш иш ўринларига ишга жойлаштириш бўйича шартнома имзоланди.

"Ёшлар маркази", Наманган Давлат университети, Наманган тиббиёт коллежида ўтказилган "Келажак овози" танлови, "Дилемма" мунозаралар клуби машғулот, "Ёшлар журналистикаси тараққиёти", "Ёш веб-дастурилар мактаби", хорижий тилларни ўрганиш бўйича ўқув-семинар ва бошқа тadbирлар ҳам ёшлар фаол иштирок этди. Ғолиблар муносиб рағбатлантирилди.

Акция доирасидаги ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи тарғиботига қаратилган "Соғлом ёшлар" тadbiri Бобур номиди маданият ва истироҳат боғида ўтказилди. Унда ёшлар ОИВ ва ОИТС, ичкиликбозлик, кашандалик ва гиёҳвандликнинг салбий оқибатларини интерактив усулдаги танловлар орқали ифода қилиб бердилар. Миллий ўйинлар, спорт мусобақалари ўтказилди.

Дўстлик кўчаси бўйлаб ўтказилган "Ҳаёт учун" хайрия марфонида ёшлар, шунингдек, спортчи оилалар фаол иштирок этди. Акция Алишер Навоий номидаги вилоят мусикали драма ва комедия театрида "Ниҳол" мукофоти совриндорлари, "Келажак овози" танлови ғолиблари, "Янги авлод" болалар ижодий фестивали лауреатлари иштирокидаги гала-концерт билан якунланди. Тadbирда Наманган вилояти ҳокими Б.Юсулов иштирок этди.

А.САТТОРОВ, ЎЗА мухбири, Н.МАМАДАЛИЕВ, (ЎЗА) олган сурат.

Урганч аэропорти имконияти ошди

Милан ва Париждан сайёҳлар келадиган мавсум бошланиши арафасида 1975 йилда қурилган "Урганч" аэропортининг йўловчилар қабул қиладиган терминалида таъмирлаш ишлари тугади.

Ўзбекистон ҳаво йўллари миллий авиаконпанияси матбуот хизматига кўра, янги таъмирланган терминал соатига 200 нафар йўловчини қабул қилиш имконига эга. "Ўзбекистон ҳаво йўллари" МАК матбуот хизмати хабарига кўра, яқин келажакда Мадрид ва Рим шаҳарларидан Ур-

ганча янги парвозлар йўлга қўйилиши режаланган. Реконструкция қилинган терминал соатига 200 га яқин йўловчини ўткази олади. Милан ва Париждан келадиган рейслар билан бир қаторда "Урганч" аэропортида яқин келажакда Мадрид ва Римдан ҳам йўналишлар очилиши режалаштирилмоқда.

ADOLAT ижтимоий-сиёсий газета

Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши

Тaҳрир хайъати: Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА, Исмонил САИФНАЗАРОВ, Зухра БОТИРОВА, Светлана ОРТИҚОВА, Иқбол МИРЗО, Мамазоир ХУЖАМБЕРДИЕВ, Қолир ЖУРАЕВ, Собир ТУРСУНОВ, Муҳаммад АЛИ, Мукаррамхон АЗИМОВА, Равшан ҲАЙДАРОВ, Талъат МУРОДОВ, Алишер МҮМИНОВ.

Бўлимлар: Партия ҳаёти ва парламент фаолияти бўлими — 236-57-14; Маданият, ахборот, спорт ҳамда хатлар ва шикоятлар билан ишлаш бўлими — 236-54-39; Телефонлар: қўбўхона — 236-53-14, 233-40-86 (факс); котибият — 233-41-89.

Навбатчи муҳаррир: — Қаҳрамон ҚўЛДОШЕВ. Навбатчи — Давур ЖОЗИЛОВ.

«Адолат»дан кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

1995 йил 22 февралдан ГАЗЕТА Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан рўйхатга олинган.

НАШР КўРСАТКИЧИ: 200 ISSN 2091-5237

Тaҳририят манзили: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилик кўчаси, 32-уй. adolat_gazeta@mail.ru

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Буюртма Ғ — 400. Ҳажми — 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2. Адади — 9855. Босишга топшириш вақти — 21.00. Босишга топширилди — 21.30. 1 2 3 4 5